

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

АЖ УСТАВ ФОНДИНИНГ ЭНГ КАМ МИҚДОРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президентнинг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-4053-сон Фармони («СБХ»нинг 47 (747)-сонида чоп этилган) билан белгиланишича:

– 2009 йилнинг 1 январидан бошлаб янги ташкил этиладиган очик ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари учун устав жамғармасининг энг кам миқдори жамият давлат томонидан рўйхатга олинган санада Марказий банкнинг курси бўйича эквиваленти 400,0 минг АҚШ долларига тенг суммани ташкил этади;

– фаолият юритаётган очик ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари 2010 йилнинг 1 январигача ўзларининг устав жамғармалари миқдорини улар қайта рўйхатга олинган санада Марказий банкнинг курси бўйича эквиваленти камида 400 минг АҚШ долларига тенг суммага етказишлари ёки хусусий мулкчилик шаклига ўтишни таъминлашлари шарт.


Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида куйидагиларни назарда тутувчи таклифлар қабул қилинди:

– банкрот деб эълон қилинган ишлаб чиқариш корхоналарини аукцион ва танлов савдоларида тижорат банкларига мулк сифатида сотиш;

– банклар томонидан банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва қайта тиклаш, уларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳамда қайтадан жиҳозлашни таъминлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш;

– кейинчалик корхоналарни стратегик инвесторларга бозор қийматида сотиш.

Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссияси тузилган бўлиб, унинг вазифалари этиб куйидагилар белгиланди: аукцион ва танлов савдоларида тижорат банкларига сотилиши лозим бўлган банкрот корхоналар рўйхатини аниқлаш; банкрот корхоналарни сотиш



бўйича савдоларнинг шартлари ва натижаларини тасдиқлаш; аукцион савдолари ўтказилишини ташкил этиш ва бошқалар.

БЕЛОРУССИЯ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

Президентнинг 2008 йил 19 ноябрдаги ПК-1000-сон қарори билан куйидаги




ҳалқаро ҳужжатлар тасдиқланди:

Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасида 2008 йил 19 июнь куни Минск шаҳрида имзоланган, 2008–2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Беларусь Республикаси Ҳукумати ўртасида 2008 йил 19 июнь куни Минск шаҳрида имзоланган, жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битим.

ДАВЛАТ УЛУШИ УЧУН АЛОҲИДА МЕЪЁР

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 ноябрдаги 253-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 январдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 24-сон қарори-га ўзгартиришлар киритилди.



Хусусан, хорижий сармоя иштирокидаги банклар учун сўм эквивалентида 5 млн АҚШ доллари миқдорига энг кам устав сармояси бўйича белгиланган талаблар сақланиб қолиниши ҳақидаги меъёр чиқариб ташланди.

Банк устав сармоясидаги давлат улуши учун истисно тарихида қоида қўлланилган бўлиб, унга кўра бошқа акциядорлар ёки ўзаро боғлиқ акциядорлар гуруҳи учун белгиланган улуш миқдори устав капитали умумий миқдорининг 25 фоизидан ошиши мумкин бўлмаган қоида давлат улушига татбиқ этилмайди. Ушбу меъёр, аввалгидек, хусусий банкларга ва хорижий капитал иштирокидаги банкларга татбиқ этилмайди.

БОЖХОНА РАСМИЙЛАШТИРУВИ: НАВБАТДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Давлат божхона кўмитасининг қарори билан (АВ томонидан 2008 йил 17 ноябрда 1404-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Эркин муомалага чиқариш божхона режимига мувофиқ шартли чиқариб юборилаётган товарларни божхона расмийлаштирувдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга (2004 йил 9 сентябрдаги 1404-сон) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Белгиланишича, божхона расмийлаштируви учун йиғим божхона юк декларацияси тўлиқ қабул қилинишига қадар ёки қабул қилини-

ши билан бир вақтда ундирилади.

Шунингдек, божхона юк декларацияси бўйича шартли чиқарилган товарларни декларациялашда 37-устунда товарни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтиш таомили кодининг сўнгги икки рақами билан Божхона юк декларациясини тўлдириш тўғрисидаги йўриқноманинг (1999 йил 3 ноябрдаги 834-сон) 2-иловаси II бўлимига мувофиқ аниқланган товар олиб ўтилишининг ўзига хос хусусияти коди кўрсатиб ўтилиши аниқлаштирилган.

2008 йил 27 ноябрдан кучга кирди.

ШРОТ ВА ШЕЛУҲА САВДОСИ УЧУН ҚОИДАЛАР

Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг қўшма қарори (АВ томонидан 2008 йил 18 ноябрда 1870-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси товар-хон ашё биржаси биржа савдоларида пахта шротини (кунжараси) ва пахта чигити шелухасини сотиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди.

Низом пахта шротини (кунжараси) ва пахта чигити шелухасини етиштирувчи, етказиб берувчи ва ундан фойдаланувчи Ўзбекистон Республикаси резидентлари ҳисобланган корхона ва ташкилотларга нисбатан татбиқ этилади. Пахта чигитини қайта ишлашдан олинадиган шрот (кунжара) ва шелуха Биржа орқали тўла-тўқис ички бозор ҳамда экспортга сотилади. Пахта шротини (кунжараси) ва пахта чигити шелухасини сотиш электрон биржа савдолари тизимидан фойдаланган ҳолда аниқ вақт режимидаги очик биржа савдоларида амалга оширилади. Уни экспортга сотиш эркин айирбошланадиган валютада амалга оширилади.

2008 йил 28 ноябрдан кучга кирди.

ҚОНУН БИЛАН МУВОФИҚЛАШТИРИЛДИ

Давлат мулки кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи (АВ томонидан 2008 йил 18 ноябрда 1130-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан «Депозитар фаолият тўхтатилган ва тугатилган тақдирдаги ҳаракатлар тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа (2002 йил 23 апрелдаги 1130-сон) уни «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Депозитар фаолият тугатилган тақдирда депонентларнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозларини бошқа депозитарийларга ўтказиш, депо ҳисобрақамларини ёпиш фаолиятни тугатган депозитарий томонидан бепул амалга оширилади. Қимматли қоғозлар Низомга мувофиқ Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсига ўтказилганда эса у томонидан ҳақ фақат қоғозларни сақлаганлик учунгина ундирилади. Шунингдек бошқа

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2008 йил 15 ноябрдан 21 ноябргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 47-сонида асосида тайёрланди.

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.porma.uz сайтидаги эркин қилинадиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рўқнида танишиб чиқишингиз мумкин.

ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам киритилган.
2008 йил 28 ноябрдан кучга кирди.

НОНВОЙНИНГ ЎЗ КИЙИМИ БЎЛСИН



Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи билан Нон ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа яқка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрлари тасдиқланди (АВ томонидан 2008 йил 19 ноябрда 1871-сон билан рўйхатдан ўтказилди).

2008 йил 29 ноябрдан кучга кирди.

ТРАНСФЕР-АГЕНТ УЧУН НИЗОМ

Давлат мулки кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи (АВ томонидан 2008 йил 21 ноябрда 1872-сон билан рўйхатдан ўтказилди) билан Трансфер-агент фаолияти тўғрисидаги низом тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

Трансфер-агент – қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш тизимига тааллуқли ҳужжатларни қабул қилиш, уларга ишлов бериш ва уларни топшириш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахс ҳисобланиши Низом билан белгиланган. Қимматли қоғозлар бозорида трансфер-агент сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш учун: қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг тегишли лицензиясига эга бўлиш; қимматли қоғозлар бозори мутахассисининг малака гувоҳномаси бўлган камида икки ходимга эга бўлиш; қонун ҳужжатлари билан ўз маблағлари миқдорига қўйилган талабларга амал қилинишини таъминлаш; қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларни бажариш зарур.

Трансфер-агент инвестор олдида етказилган зарарлар доирасида қонун ҳужжатларига мувофиқ мулкий жавобгар бўлади.

2008 йил 1 декабрдан кучга киради.

УШБУ
СОҒИДА

1-бет

Қонун ҳужжатларида қандай янгиликлар бор?

\$1 = 1366,60 сўм

2-3-бетлар

Жисмоний шахслар даромадидан солиқлар

€1 = 1751,02

4-бет

Декабрь. Солиқ тўловчининг тақвими

£1 = 2083,79 сўм

7-10-бетлар

Янги қонун ҳужжатлари

¥10 = 143,61 сўм

INTER PRESS
www.interpress.uz

INTER-PRESS
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир • Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света • Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги • Караван Историй • Клаксон • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

ОБУНА-2009
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР

119-0000
155-0955
Тел./факс: (99897)
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

2008 йилнинг ноябрь ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ҳисоб-китоби

Солиқ солинадиган даромад миқдори	Солиқ суммаси
(6 x 236 835) = 1 421 010 сўмгача	Даромад суммасининг 13 фоизи
1 421 011 сўмдан (10 x 236 835) = 2 368 350 сўмгача	184 731,3 сўм + 1 421 010 сўмдан ортиқ сумманинг 18 фоизи
2 368 351 сўм ва ундан юқори	355 252,5 сўм + 2 368 350 сўмдан ортиқ сумманинг 25 фоизи

Президентнинг 2007 йил 23 октябрдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» ПФ-3931-сон Фармонида биноан энг кам иш ҳақи миқдори ойига 18 630 сўм этиб белгиланган. 2008 йил 1 апрелдан бошлаб Президентнинг 2008 йил 5 мартдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» ПФ-3972-сон Фармонида биноан энг кам иш ҳақи ойига 20 865 сўм этиб белгиланди. 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб Президентнинг 2008 йил 21 июлдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» ПФ-4014-сон Фармонида биноан энг кам иш ҳақи ойига 25 040 сўм миқдоридан белгиланди. 2008 йил 16 ноябрдан бошлаб Президентнинг 2008 йил 22 октябрдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» ПФ-4042-сон Фармонида биноан энг кам иш ҳақи миқдори 28 040 сўм этиб белгиланди.

Ноябрь ойи учун ўртача энг кам иш ҳақи миқдори 26 540 сўмга (25 040 + 28 040) : 2) тенг.

Январь-ноябрь ойлари учун энг кам иш ҳақининг жами миқдори 236 835 сўмни (18 630 + 18 630 + 18 630 + 20 865 + 20 865 + 20 865 + 20 865 + 25 040 + 25 040 + 26 540) ташкил қилади.

I МИСОЛ. Корхона ходимига ноябрь ойи учун 150 000 сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Унинг январь-ноябрь ойлари учун жами даромади 1 280 000 сўмни (100 000 + 100 000 + 100 000 + 112 000 + 112 000 + 112 000 + 112 000 + 135 000 + 135 000 + 150 000) ташкил этади. Январь-октябрь ойларида ушланган солиқ суммаси 146 900 сўмга тенг.

Унинг ноябрь ойидаги даромад солиғи қуйидаги тартибда ушланади:

1. Январь-ноябрь ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (1 280 000 сўм даромаддан).
Ходимнинг даромади энг кам иш ҳақининг 6 баравари – 1 421 010 сўм (236 835 x 6)дан ошмаслиги сабабли, унга 13%ли ставка бўйича солиқ солинади:
1 280 000 x 13% = 166 400 сўм.

2. Ноябрь ойи учун даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:
166 400 – 146 900 = 19 500 сўм.

3. 2008 йилда фуқароларнинг ШЖБПХга мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ставкаси ходимга ҳисобланган иш ҳақи (даромади) солиқ солинадиган суммасининг 1%и миқдоридан белгиланган (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 595-сон қарорининг 2-банди). Январь-ноябрь ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридан мажбурий ушланмалар суммаси 12 800 сўмни (1 280 000 x 1%) ташкил этади. Январь-октябрь ойларида 11 300 сўм ушлаб

қолинган, ноябрь ойида 1 500 сўм (12 800 – 11 300) ушланиши лозим.

4. Ноябрь ойи учун бюджетга 18 000 сўм (19 500 – 1 500) даромад солиғи ўтказилади.

5. 2008 йилда фуқароларнинг иш ҳақидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий сугурта бадаллари ставкаси ходимнинг бадаллар ҳисобланадиган иш ҳақи (даромади)нинг 2,5%и миқдоридан белгиланган (Президентнинг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-744-сон қарорининг 3-банди). Ноябрь ойи учун мажбурий сугурта бадаллари ажратмаси ходимнинг барча иш ҳақи суммаси – 150 000 сўмдан ундирилади. Ажратма суммаси 3 750 сўмни (150 000 x 2,5%) ташкил этади.

6. Солиқлар ва бошқа мажбурий ажратмалар ушлаб қолингандан кейин ноябрь ойи учун иш ҳақи суммаси:

150 000 – 19 500 – 3 750 = 126 750 сўмни ташкил этади.

II МИСОЛ. Корхона ходимига ноябрь ойи учун 285 000 сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Унинг январь-ноябрь ойлари учун жами даромади 2 550 000 сўмни (200 000 + 200 000 + 200 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000 + 270 000 + 270 000 + 285 000) ташкил этади. Январь-октябрь ойларида 355 955 сўм солиқ ушланган.

Унинг ноябрь ойидаги даромадидан солиқ қуйидаги тартибда ушланади:

1. Январь-ноябрь ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (2 550 000 сўм даромаддан):
355 252,5 + (2 550 000 – 2 368 350) x 25% = 400 665 сўм.

2. Ноябрь ойи учун даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:
400 665 – 355 955 = 44 710 сўм.

3. Январь-ноябрь ойлари учун ШЖБПХга иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридан мажбурий ушланмалар суммаси 25 500 сўмни (2 550 000 x 1%) ташкил этади. Январь-октябрь ойларида 22 650 сўм ушлаб қолинган, ноябрь ойида 2 850 сўм (25 500 – 22 650) ушланиши лозим.

4. Ноябрь ойи учун бюджетга 41 860 сўм (44 710 – 2 850) даромад солиғи ўтказилади.

III МИСОЛ. Солиқ кодекси 180-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ имтиёзга эга бўлган корхона ходимига (масалан, хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибидан ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига қақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар) но-

ябрь ойи учун 285 000 сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Унинг январь-ноябрь ойлари учун жами даромади 2 550 000 сўмни (200 000 + 200 000 + 200 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000 + 270 000 + 270 000 + 285 000) ташкил этади. Январь-октябрь ойларида ушлаб қолинган солиқ суммаси 193 199,1 сўмни ташкил этади.

Солиқ кодекси 180-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг жами даромадидан ҳар ойда энг кам иш ҳақи миқдорининг 4 бараварига тенг даромад суммаси чиқариб ташланишини ҳисобга олганда, унинг январь-ноябрь ойлари учун солиқ солинмайдиган жами даромади қуйидагидан ташкил этади: 4 x 236 835 = 947 340 сўм.

Унинг иш ҳақидан солиқ қуйидаги тартибда ушланади:

1. Солиқ солинадиган даромад аниқланади:
2 550 000 – 947 340 = 1 602 660 сўм.

2. Январь-ноябрь ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (1 602 660 сўм даромаддан):
184 731,3 + (1 602 660 – 1 421 010) x 18% = 217 428,3 сўм.

3. Ноябрь ойи учун ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:
217 428,3 – 193 199,1 = 24 229,2 сўм.

4. Январь-ноябрь ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридан мажбурий ушланмалар суммаси 16 026,6 сўмни (1 602 660 x 1%) ташкил этади. Январь-октябрь ойларида 14 238,2 сўм ушлаб қолинган, ноябрь ойида 1 788,4 сўм (16 026,6 – 14 238,2) ушланиши лозим.

5. Ноябрь ойи учун бюджетга ўтказиладиган даромад солиғи суммаси 22 440,8 сўмга (24 229,2 – 1 788,4) тенг.

IV МИСОЛ. Ходимга ноябрь ойи учун 285 000 сўм миқдоридан иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Юбилей санаси муносабати билан январь ойида унга қиймати 50 000 сўм бўлган қимматбаҳо совға берилган. Май ойида муҳим шахсий воқеа муносабати билан унга 400 000 сўм миқдоридан моддий ёрдам берилган.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 14-бандига кўра юридик шахслардан олинган, солиқ даврининг охиридаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган, бир йил мобайнидаги ЭКИХнинг олти баравари миқдоригача бўлган суммадаги совғаларнинг қиймати, яъни мазкур ҳолатда 18 630 x 6 = 111 780 сўмга солиқ солинмайди.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 1-бандига кўра бир йил давомида энг кам иш ҳақининг 12 баравари миқдоригача кўрсатиладиган моддий ёрдам суммасига, яъни мазкур ҳолатда 20 865 x 12 = 250 380 сўмга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмайди.

Ходимнинг январь-ноябрь ойларидаги жами даромади 3 000 000 сўмни (200 000 + 50 000 + 200 000 + 200 000 + 225 000 + 225 000 + 400 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000 + 270 000 + 270 000 + 285 000) ташкил этади. Январь-октябрь ойларида 393 360 сўм солиқ ушланган.

Солиқ қуйидаги тартибда ушланади:

1. Солиқ солинадиган даромад:

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 25 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	856,45	1 Малайзия ринггити	376,68
1 Англия фунт стерлинги	2083,79	1 Польша злотийси	446,60
1 Дания кронаси	231,51	1 СДР	2018,28
1 БАА дирҳами	372,22	1 Туркия лираси	816,76
1 АҚШ доллари	1366,60	1 Швейцария франки	1122,46
1 Миср фунти	247,57	1 ЕВРО	1751,02
1 Исландия кронаси	9,62	10 Жанубий Корея вони	9,12
1 Канада доллари	1073,36	10 Япония иенаси	143,61
1 Хитой юани	200,11	1 Россия рубли	49,57
		1 Украина гривнаси	227,81

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	26.11.2008	1	0,8074	1	1,0477	1	0,0295
Арманистон	25.11.2008	1	305,8	1	393,34	1	11,17
Беларусь	27.11.2008	1	2156	1	2807,54	1	78,81
Грузия	26.11.2008	1	1,65	1	2,1264	1	0,0602
Қозоғистон	27.11.2008	1	120,25	1	156,54	1	4,41
Қирғизистон	22.11.2008	1	39,1818	1	49,0693	1	1,4214
Латвия	27.11.2008	1	0,542	1	0,702804	1	0,0198
Литва	27.11.2008	1	2,6649	1	3,4528	10	9,7359
Молдова	26.11.2008	1	10,3696	1	13,3488	1	0,3781
Тожикистон	26.11.2008	1	3,4045	1	4,3905	10	1,2529
Ўзбекистон	25.11.2008	1	1366,6	1	1751,02	1	49,57
Украина	26.11.2008	100	660,96	100	846,7559	10	2,413
Эстония	26.11.2008	1	12,0525	1	15,6466	1	0,440837

Манба: www.prime-tass.ru

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
1-бет

• БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ

– 2008 йилнинг ноябрь ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ҳисоб-китоби

– Валюталар курси **2-3-бетлар**

• СОЛИҚЛАР ВА ЙИГИМЛАР

– Солиқ тўловчининг тақвими **4-бет**

• БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

– Ўстиришдаги ва бўрдоқига боқиладиган ҳайвонларни балансдан ҳисобдан чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари
5-6-бетлар

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

– «Ҳакамлик судлари ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»;

– «Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида».

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар:

– ЎЗР МВ, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси, ДСҚнинг «Аҳоли пунктларини бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудлар таркибига киритиш

тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

– ЎЗР ДБКнинг "Эркин муомалага чиқариш божхона режимига мувофиқ шартли чиқариб юборилаётган товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қарори.

7-10-бетлар

• БИЗНЕС-ПАНОРАМА

11-16-бетлар

3 000 000 - (50 000 + 250 380) = 2 699 620 сўмга тенг.
 2. Январь-ноябрь ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (2 699 620 сўм даромаддан):
 $355\,252,5 + (2\,699\,620 - 2\,368\,350) \times 25\% = 438\,070$ сўм.
 3. Ноябрь ойи учун ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:
 $438\,070 - 393\,360 = 44\,710$ сўм.
 4. Январь-ноябрь ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақининг 1 фоизи миқдориди мажбурий ушланмалар суммаси 26 996,2 сўмни ($2\,699\,620 \times 1\%$) ташкил этади. Январь-октябрь ойларида 24 146,2 сўм ушлаб қолинган, ноябрь ойида 2 850 сўм ($26\,996,2 - 24\,146,2$) ушланиши лозим.
 5. Ноябрь ойи учун бюджетга ўтказиладиган даромад солиғи суммаси 41 860 сўмга ($44\,710 - 2\,850$) тенг.

V МИСОЛ. Ходимга ноябрь ойи учун 285 000 сўм миқдориди иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Юбилей санаси муносабати билан январь ойида унга қиймати 150 000 сўм бўлган қимматбаҳо совға берилган. Унинг аризасига биноан сентябрь ойида бола туғилиши муносабати билан ходимга 200 000 сўм миқдориди моддий ёрдам берилган.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 14-бандига кўра юридик шахслардан олинган, солиқ даврининг охиридаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган, бир йил мобайнидаги ЭКИХнинг олти баравари миқдоригача бўлган суммадаги совғаларнинг қиймати, яъни мазкур ҳолатда $18\,630 \times 6 = 111\,780$ сўмга солиқ солинмайди.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 1-бандига кўра бир йил давомида энг кам иш ҳақининг 12 бараваригача миқдорда бериладиган моддий ёрдам суммасига, яъни мазкур ҳолда $25\,040 \times 12 = 300\,480$ сўмга жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ солинмайди.

200 000 сўм миқдориди моддий ёрдам суммаси имтиёзли миқдордан ошмаганлиги сабабли, бутун суммаси солиқ солинадиган даромаддан чегириб ташлаймиз.

Ходимнинг январь-ноябрь ойларидаги жами даромади 2 900 000 сўмни ($200\,000 + 150\,000 + 200\,000 + 200\,000 + 225\,000 + 225\,000 + 225\,000 + 225\,000 + 225\,000 + 270\,000 + 200\,000 + 270\,000 + 285\,000$) ташкил этади. Январь-октябрь ойлари учун 365 510 сўм солиқ ушланган.

Солиқ куйидаги тартибда ушланади:

1. Солиқ солинадиган даромад:
 $2\,900\,000 - 111\,780 - 200\,000 = 2\,588\,220$ сўмга тенг.
 2. Январь-ноябрь ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (2 588 220 сўм даромаддан):
 $355\,252,5 + (2\,588\,220 - 2\,368\,350) \times 25\% = 410\,220$ сўм.

3. Ноябрь ойидаги даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:
 $410\,220 - 365\,510 = 44\,710$ сўм.

4. Январь-ноябрь ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақининг 1 фоизи миқдориди мажбурий ушланмалар суммаси 25 882,2 сўмни ($2\,588\,220 \times 1\%$) ташкил этади. Январь-октябрь ойларида 23 032,2 сўм ушлаб қолинган, ноябрь ойида 2 850 сўм ($25\,882,2 - 23\,032,2$) ушланиши лозим.

5. Ноябрь ойи учун бюджетга ўтказиладиган даромад солиғи суммаси 41 860 сўмга ($44\,710 - 2\,850$) тенг.

VI МИСОЛ. Ходимга ноябрь ойи учун 285 000 сўм миқдориди иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Оилавий шароити оғирлашгани муносабати билан аризасига биноан унга январь ойида 250 000 сўм миқдориди моддий ёрдам берилган. Оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан июнь ойида 350 000 сўм миқдориди моддий ёрдам берилган.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 1-бандига кўра куйидаги моддий ёрдам суммалари жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмайди:
 вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзо-



TAKLOG
MULTICARGO
SPEDITION

Манзил: Тошкент ш., Амир Темурашхон, 45/1. Тел./факс + 998 71 2334299. E-mail: tashkent@taklog.com www.taklog.de

Мақбул нархлар бўйича сифатли халқаро юк ташишлар!



си вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган энг кам иш ҳақининг йигирма бараваригача миқдориди; бошқа ҳолатларда - энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдориди.

Ходимнинг январь-ноябрь ойлари учун жами даромади 3 150 000 сўмни ($200\,000 + 250\,000 + 200\,000 + 200\,000 + 225\,000 + 225\,000 + 225\,000 + 350\,000 + 225\,000 + 225\,000 + 270\,000 + 270\,000 + 285\,000$) ташкил этади. Январь-октябрь ойлари учун 362 565 сўм солиқ ушланган.

Ноябрь ойи учун даромад солиғи куйидаги тартибда ушланади:

1. Жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмайдиган моддий ёрдам суммасини аниқлаймиз:
 $18\,630 \times 12 = 223\,560$ сўм.
 $20\,865 \times 20 = 417\,300$ сўм.

Ходимнинг оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан тўланган 350 000 сўм миқдориди моддий ёрдам суммаси имтиёзли миқдордан ошмаслиги сабабли, солиқ солинадиган даромаддан барча суммаси чиқариб ташлаймиз.

2. Солиқ солинадиган даромадни аниқлаймиз:
 $3\,150\,000 - 223\,560 - 350\,000 = 2\,576\,440$ сўм.

3. Январь-ноябрь ойлари учун солиқ суммасини аниқлаймиз (2 576 440 сўм даромаддан):
 $355\,252,5 + (2\,576\,440 - 2\,368\,350) \times 25\% = 407\,275$ сўм.

4. Ноябрь ойи учун даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:
 $407\,275 - 362\,565 = 44\,710$ сўм.

5. Январь-ноябрь ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақининг 1 фоизи миқдориди мажбурий ушланмалар суммаси 25 764,4 сўмни ($2\,576\,440 \times 1\%$) ташкил этади. Январь-октябрь ойларида 22 914,4 сўм ушлаб қолинган, ноябрь ойида 2 850 сўм ($25\,764,4 - 22\,914,4$) ушланиши лозим.

6. Ноябрь ойи учун бюджетга 41 860 сўм ($44\,710 - 2\,850$) даромад солиғи ўтказилади.

VII МИСОЛ. Ходимга ноябрь ойи учун 285 000 сўм миқдориди иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Оилавий шароити оғирлашгани муносабати билан унинг аризасига биноан апрель ойида унга 300 000 сўм миқдориди моддий ёрдам берилган.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 1-бандига кўра бир йил давомида энг кам иш ҳақининг 12 бараваригача миқдорда бериладиган моддий ёрдам суммасига жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ солинмайди.

Ходимнинг январь-ноябрь ойлари учун жами даромади 2 850 000 сўмни ($200\,000 + 200\,000 + 200\,000 + 225\,000 + 300\,000 + 225\,000 + 225\,000 + 225\,000 + 225\,000 + 270\,000 + 270\,000 + 285\,000$) ташкил этади. Январь-октябрь ойларида 368 360 сўм солиқ ушланган.

1. Солиқ солинадиган даромадга киритилмайдиган моддий ёрдам суммасини аниқлаймиз:
 $20\,865 \times 12 = 250\,380$ сўм.

2. Солиқ солинадиган даромадни аниқлаймиз:
 $2\,850\,000 - 250\,380 = 2\,599\,620$ сўм.

3. Январь-ноябрь ойлари учун солиқ суммасини аниқлаймиз (2 599 620 сўм даромаддан):

$355\,252,5 + (2\,599\,620 - 2\,368\,350) \times 25\% = 413\,070$ сўм.

4. Ноябрь ойи учун даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$413\,070 - 368\,360 = 44\,710$ сўм.

5. Январь-ноябрь ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақининг 1 фоизи миқдориди мажбурий ушланмалар суммаси 25 996,2 сўмни ($2\,599\,620 \times 1\%$) ташкил этади. Январь-октябрь ойларида 23 146,2 сўм ушлаб қолинган, ноябрь ойида 2 850 сўм ($25\,996,2 - 23\,146,2$) ушланиши лозим.

6. Ноябрь ойи учун бюджетга 41 860 сўм ($44\,710 - 2\,850$) даромад солиғи ўтказилади.

VIII МИСОЛ. Корхона ходимига ноябрь ойи учун 285 000 сўм миқдориди иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди.

Корхона раҳбарининг буйруғига биноан январь-ноябрь ойлари учун унга хизмат сафарларида «Нексия» русумли шахсий автомобилдан белгиланган тартибда фойдаланганлик учун компенсация тўланди. Компенсациянинг ҳар ойлик миқдори ЭКИХнинг 5 бараварига тенг. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан молияланадиган ташкилотларда хизмат энгил автотранспортларидан фойдаланиши тартибга солиш тўғрисида» қарори (1999 йил 2 апрелдаги 154-сон) 4-бандида ойлик компенсациянинг чегараланган миқдорлари белгиланган. «Нексия» русумли автомобиллар учун у энг кам иш ҳақи миқдорининг 5 бараварига тенг.

Солиқ кодекси 174-моддасининг 11-бандига биноан меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида даромадга киритиладиган компенсация тўловлари жумласига хизмат ишлари учун ходимнинг шахсий автомобилдан ёки хизмат мақсадлари учун унинг бошқа мол-мулкдан қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча фойдаланганлик учун тўловлар киритилади.

Ноябрь ойи учун компенсация миқдори 132 700 сўмни ($26\,540 \times 5$) ташкил этади ва белгиланган чегараланган миқдордан ошмайди. Январь-ноябрь ойлари учун умумий компенсация суммаси 1 184 175 сўмдан ($93\,150 + 93\,150 + 93\,150 + 104\,325 + 104\,325 + 104\,325 + 104\,325 + 104\,325 + 125\,200 + 125\,200 + 132\,700$) иборат.

Январь-ноябрь ойлари учун жами даромад 3 734 175 сўмни ($200\,000 + 93\,150 + 200\,000 + 93\,150 + 200\,000 + 93\,150 + 225\,000 + 104\,325 + 225\,000 + 104\,325 + 225\,000 + 104\,325 + 270\,000 + 125\,200 + 270\,000 + 125\,200 + 285\,000 + 132\,700$) ташкил этади. Январь-октябрь ойларида 355 955 сўм солиқ ушланган.

Ходимнинг ноябрь ойи учун даромадидан солиқ куйидаги тартибда ушланади:

1. Солиқ солинадиган даромад аниқланади:
 $3\,734\,175 - 1\,184\,175 = 2\,550\,000$ сўм.

Кейинги ҳисоб-китоб II мисолдагидек тартибда амалга оширилади.

**Ҳисоб-китобни эксперт,
 Солиқ маслаҳатчилари палатасининг аъзоси
 Муҳиддин ЗАЙНУДДИНОВ тайёрлади.**

Семинар



**ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ
 МОЛИЯСИ ИСЛОҲОТИ**

СУҒУРТАЛОВЧИЛАР ЎҚИШЯПТИ



Яқинда «Пойтахт» меҳмонхонасининг мажлислар залида суғурта даъволарини кўриш амалиётини такомиллаштиришга бағишланган «Суғурта компанияларида даъво иши технологиялари» семинар-тренинги ўтказилди.

Тренинг БМТ Ривожланиш дастурининг «Ўзбекистонда давлат молияси ислоҳоти» лойиҳаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ташкил этилди.

Суғурта шартномалари бўйича қабул қилинган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши суғурта компаниясининг шак-шубҳасиз муваффақият қозонишига ва аҳолининг умуман суғуртага нисбатан ишончининг ошишига олиб келади. Афсуски, амалиётда суғурталовчининг ўз ишини пухта билмаслиги сабабли ариза-ни кўриш даври чўзилиб кетиши, суғурта қоплами суммасининг нотўғри белгиланиши, суғурта қопламини тўлашга доир асоссиз рад этишлар юборилиши ҳоллари учрайди. Бундан ташқари, суғурталовчилар қонун ҳужжат-

ларининг айрим меъёрларини унчалик тўғри талқин қилмайдиган кўплаб низоли ҳолатлар юзага келади. Буларнинг ҳаммаси суғурта хизматлари истеъмолчилари томонидан шикоят ва норозилик билдирилишига олиб келмоқда, бу эса бутун суғурта бозорига ишончсизлик билан қарашга сабабчи бўлиши мумкин.

Семинар ўтиши давомида иштирокчилар Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Даъво ишининг намунавий технологиялари бўйича услубий тавсияларнинг қоидалари билан танишдилар, суғурта даъволарини кўриш пайтидаги низоли жиҳатларни муҳокама қилдилар.

Ўз ахборотимиз.

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

БАЛОДАН ҚУТИЛИБ ҚОЛСА БЎЛАДИ, АГАР...

Учқуннинг бир зумда катта гулханга айланиши ҳеч гап эмас. Бу ҳолатни биз кундалик фаолиятимизда кўплаб учратмоқдамиз: биргина жорий йилнинг шу давригача Мирзо Улуғбек туманида 215 та ёнғин содир бўлиб, улар натижасида 5 нафар инсон ҳаётдан кўз юмди, 1 киши қаттиқ тан жароҳати олди.

Содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилганимизда шу нарса аён бўлдики, уларнинг келиб чиқишига аксарият ҳолатларда одамларнинг ўзлари сабабчи бўлаётирлар. Хусусан, ёнғин хавфсизлиги-га rioя этмаслик, маст ҳолда сигарета чекиш, носоз ҳамда қўлбола электр асбобларидан фойдаланиш, чиқинди ва хазонларни ёқиш, газ ва электр асбобларини ишлатганда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига rioя этмаслик натижасида катта гулханлар авж олмоқда.

Ёнғин чиқиши натижасида вайрон бўлган уй-жойларни йиллар давомида тиклашнинг имкони бўлар, аммо инсон умрини, саломатлигини қайтаришнинг имкони йўқ. Шу маънода биз ёнғин фа-

локати олдини олишнинг энг яхши чораси сифатида аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот, маърифат ишларини жонлантириш керак, деб биламиз. Ёнғинга қарши курашувчи ҳудудий бўлимимиз мутахассислари тумандаги 52 та аҳоли истиқомат қиладиган маҳаллаларда, 100 га яқин таълим муассасаларида ўқувчилар, тарбиячи ва ўқитувчилар билан учрашувлар ўтказиб, профилактика ишлари, ёнғин чиққанда уни бартараф этиш чоралари ҳақида тушунтиришлар олиб боришди.

Ўйлайманки, бизнинг мутахассислар етказган билимларга бефарқ қарамаган фуқаролар ҳеч қачон доғда қолишмайди.

**А. ЖАББОРОВ,
 Мирзо Улуғбек тумани
 ИИБ ЁХБ инспектори.**


СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ТАҚВИМИ

2008 ЙИЛ ДЕКАБРЬ

ЮРИДИК
ШАХСЛАР
УЧУН

ИШ ВАҚТИ ҲИСОБ-КИТОБИ (соатларда):

5 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида – 175
6 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида – 173
36 соатли иш ҳафтасида – 155



ИШ КУНЛАРИ СОНИ:

5 кунлик иш ҳафтасида – 22
6 кунлик иш ҳафтасида – 26



3 – ноябрь ойининг III ўн кунлиги учун акциз солиғини тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 240-модда, биринчи қисм);

– ноябрь ойининг III ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқни тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 304-модда, тўртинчи қисм).

5 – ноябрь ойи учун акцизли товарлар алоҳида турларининг харид қилиниши ва сотилиши (ички бозорда янги автомобиллар, алкогольли ва тамаки маҳсулотлари, ўсимлик мойи, автомобиль бензини, дизель ёқилғисини сотиш) тўғрисида маълумотларни тақдим этишнинг сўнгги куни.

9 – ноябрь ойи учун меҳнат пайтида майиб бўлиш ёки касбий касалланиш оқибатида тайинланган ва тўланган пенсиялар бўйича харажатларни қоплашга тўлов тўлашнинг сўнгги куни (МВ, МАИМКВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг АВ томонидан 6.04.2004 йилда 1333-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий сугуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисида низомнинг 44-банди).

10 – ноябрь ойи учун ягона ижтимоий тўлов ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни* (Солиқ кодекси, 310-модда, учинчи қисм);

– ноябрь ойи учун ягона ижтимоий тўловни тўлашнинг сўнгги куни** (Солиқ кодекси, 310-модда, бешинчи қисм).

13 – декабрь ойининг I ўн кунлиги учун акциз солиғини тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 240-модда, биринчи қисм);

– декабрь ойининг I ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқни тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 304-модда, тўртинчи қисм).

*)солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан тақдим этадиган микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари;

**)-бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари иш ҳақи учун пул маблағларини олиш учун банкка ҳужжатларни тақдим этиш билан бир вақтда тўланади;

***)-ҳисобот давридаги қутилаётган солиқ солинадиган фойдаси энг кам иш ҳақи даражасининг 200 бараваригача бўлган корхоналардан ташқари. Тўлов манбаида ушлаб қолинандиган юридик шахсларга тўланадиган дивиденд ва фоизларга фойда солиғи, шунингдек Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадларидан фойда солиғи бюджетга мазкур тўловларни тўлаш кунидан кечиктирмасдан ўтказилади;

****)- ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг жорий тўловлари қуйидагилар томонидан тўланмайди:

ҳисобот давридаги солиқ солинадиган базаси энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача миқдорда бўлган солиқ тўловчилар томонидан;

ўтган ҳисобот даврида ижтимоий инфратузилма объектларини сақлаб туриш бўйича харажатлари суммаси солиқ солинадиган базага тенг ёки ундан кўп бўлган солиқ тўловчилар томонидан;

ягона солиқ тўловини тўлашга ўтмаган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан;

*****)- қишлоқ хўжалиги корхоналари, микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек бир чорак учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун умумий солиқ суммаси энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлган корхоналардан ташқари;

*****)- мuddатнинг сўнгги куни дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, мuddатнинг тугаш куни бўлиб ундан кейин келувчи биринчи иш куни ҳисобланади.

14 – декабрь ойи учун фойда солиғи бўйича жорий тўловни тўлашнинг сўнгги куни*** (Солиқ кодекси, 164-модда, учинчи қисм);

– ноябрь ойи учун Халқ банкига жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи ходимлар реестри ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига 1 фоиз миқдорда бадаллар тўлангани ҳақида тўлов топшириқномасини тақдим этишнинг сўнгги куни (ВМнинг 21.12.2004 йилдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисида низомнинг 16-банди; МВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг АВ томонидан 6.10.2005 йилда 1515-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни қўшиш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 10-банди).

– ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 2008 йил учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китобини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 263-модда, учинчи қисм, 3-банд; 264-модда).

15 – декабрь ойи учун ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича жорий тўловни тўлашнинг сўнгги куни**** (Солиқ кодекси, 300-модда, бешинчи ва олтинчи қисмлар).

23 – декабрь ойининг II ўн кунлиги учун акциз солиғини тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 240-модда, биринчи қисм);

– декабрь ойининг II ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқни тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 304-модда, тўртинчи қисм).

24 – ноябрь ойи учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китобини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни***** (Солиқ кодекси, 263-модда, учинчи қисм; 264-модда, биринчи қисм);

– ноябрь ойи учун цементга ва табиий газга қўшимча фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни (МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 21.02.2008 йилда 1772-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Цементга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 12-13-бандлари; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 5.03.2008 йилда 1776-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 13-14-бандлари).

25 – ноябрь ойи учун ҚҚС бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни* (Солиқ кодекси, 225-модда, биринчи қисм; 226-модда, биринчи қисм);

– ноябрь ойи учун акциз солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этишнинг сўнгги куни* (Солиқ кодекси, 239-модда);

– ноябрь ойи учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни* (Солиқ кодекси, 247-модда, иккинчи ва учинчи қисмлар);

– декабрь ойи учун бюджетга мол-мулк солиғи бўйича жорий тўловларни тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 271-модда, учинчи қисм);

– ноябрь ойи учун транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ бўйича ҳисоб-китобни тақдим этишнинг сўнгги куни* (Солиқ кодекси, 304-модда, учинчи қисм);

– ноябрь ойи учун Республика йўл жамғармасига соф тушумдан мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлашнинг сўнгги куни* (Солиқ кодекси, 319-модда, иккинчи ва учинчи қисмлар);

– ноябрь ойи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига соф тушумдан мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлашнинг сўнгги куни* (Солиқ кодекси, 315-модда, иккинчи ва учинчи қисмлар);

– ноябрь ойи учун ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўловни тўлашнинг сўнгги куни (ҳисоб-китобни ҳар чоракда тақдим этадиган микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари) (Солиқ кодекси, 360-модда, тўртинчи ва бешинчи қисмлар);

– ноябрь ойи учун фаолиятнинг айрим турларини амалга оширувчи юридик шахслар томонидан қатъий белгиланган солиқни тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 372-модда, еттинчи қисм);

– ноябрь ойи учун мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва тўлашнинг сўнгги куни* (МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 31.01.2005 йилда 1446-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 6, 7-бандлари).

Солиқ тўловчининг тақвими – «Норма маслаҳатчи» газетаси ва «Норма» АХТ эксперт хизматининг муаллифлик ишланмасидир. Унинг бошқа ОАВларда қайтадан чоп этилиши ва электрон маълумотлар базаларида жойлаштирилишига «Норма маслаҳатчи» газетаси тахририяти ёки «Norma-Hamkor» МЧЖ билан тузилган шартнома асосидагина йўл қўйилади.

ЎСТИРИШДАГИ ВА БЎРДОҚИГА БОҚИЛАДИГАН ҲАЙВОНЛАРНИ БАЛАНСДАН ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Чиқариладиган ўстиришдаги ва бўрдоқига боқиландиган ҳайвонларнинг қиймати чиқиб кетиш далили амалга оширилган пайтдан бошлаб балансдан ҳисобдан чиқарилиши керак. Бундай ҳайвонлар ташкилот балансида:

- реализация қилиш;
- бошқа ташкилотнинг устав капиталига таъсис ҳиссаси кўринишида бериш;
- муассисга илгари ташкилот устав капиталига киритилган ҳиссани у муассислар таркибидан чиқариш ёки тугатилган ҳужжалик юритувчи субъектнинг мол-мулки унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланиши пайтида қайтариш (бундан кейин матнда - иштирокчи муассислар таркибидан чиқётганида ўстиришдаги ва бўрдоқига боқиландиган ҳайвонлар билан ҳисоб-китоблар);
- текин бериш;
- айирбошлаш;
- камомад ва талафотларни аниқлаш;
- бошқа операциялар ва воқеалар натижа-сида ҳисобдан чиқарилади.

Ўстиришдаги ва бўрдоқига боқиландиган ҳайвонларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижа (фойда ёки зарар) ҳайвонларнинг чиқиб кетишидан даромаддан улар баланс қиймати, билвосита солиқлар ва ҳайвонларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ харажатларнинг чегирилиши билан аниқланади.

Ўстиришдаги ва бўрдоқига боқиландиган ҳайвонларнинг таннари ва билан боғлиқ даромад эътироф этилган ҳисобот даврида харажат деб топилади. Бунда уларнинг чиқиб кетиши муносабати билан ҳайвонларни ҳар қандай ҳисобдан чиқаришлар суммаси ва уларга доир барча зарарлар ҳисобдан чиқариш бажарилган ёки зарар кўрилган ҳисобот даври мобайнида харажат сифатида ҳисобга олинади.

Мисол. «Уста Ортик» фермер ҳўжалиги бошқа фермер ҳўжалигига бўрдоқига 5 бош буқа ва парваришдаги 250 жўжани реализация қилди. Ҳайвонларни реализация қилишдан умумий тушум 14 000 000 сўмни ташкил қилади. Буқаларнинг баланс қиймати 10 000 000 сўмга, жўжаларники эса 700 000 сўмга тенг. Ўстиришдаги ва бўрдоқига боқиландиган ҳайвонларни реализация қилиш билан боғлиқ харажатларга қуйидагилар қиради: 8 000 сўм суммасидаги инвентарь ва ҳўжалик анжомлари; фермер ҳўжалиги транспорт бўлиминининг транспорт хизматлари - 25 000 сўм; ходим меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари - 20 000 сўм ва 24% миқдоридаги ягона ижтимоий тўлов суммаси - 4 800 сўм.

Ўстиришдаги ва бўрдоқига боқиландиган ҳайвонларни реализация қилиш муносабати билан балансдан ҳисобдан чиқариш қуйидаги бухгалтерия проводкалари билан акс эттирилади:

- буқалар ва жўжаларни реализация қилишдан (сотишдан) тушум суммасига:

4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинандиган счётлар» ҳисобварағи дебити 14 000 000 сўм;

9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» ҳисобварағи кредити 14 000 000 сўм;

- буқалар ва жўжаларнинг баланс қиймати:

9110-«Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннари» ҳисобварағи дебити - 10 700 000 сўм;

1110-«Ўстиришдаги ҳайвонлар» ҳисобварағи кредити 700 000 сўм;

1120-«Бўрдоқига ҳайвонлар» ҳисобварағи кредити 10 000 000 сўм;

- реализация харажатлари суммасига:

9410-«Сотиш харажатлари» ҳисобварағи дебити 57 800 сўм;

1080-«Инвентарь ва ҳўжалик жиҳозлари» ҳисобварағи кредити 8 000 сўм;

2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ҳисобварағи кредити 25 000 сўм;

6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи кредити 20 000 сўм;

6520-«Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар» ҳисобварағи кредити 4 800 сўм;

- харидордан келиб тушган пул маблағлари суммасига:

5110-«Ҳисоб-китоб счёти» ҳисобварағи дебити 14 000 000 сўм;

4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинандиган счётлар» ҳисобварағи кредити 14 000 000 сўм;

- тайёр маҳсулотни реализация қилишдан олинандиган даромадлар ҳисобварағи ёпилиши:

9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» ҳисобварағи дебити 14 000 000 сўм;

9910-«Якуний молиявий натижа» ҳисобварағи кредити 14 000 000 сўм;

- реализация қилинган тайёр маҳсулот таннари ҳисобварағи ёпилиши:

9910-«Якуний молиявий натижа» ҳисобварағи дебити 10 700 000 сўм;

9110-«Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннари» ҳисобварағи кредити 10 700 000 сўм;

- реализация харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварағи ёпилиши:

9910-«Якуний молиявий натижа» ҳисобварағи дебити 57 800 сўм;

9410-«Сотиш харажатлари» ҳисобварағи кредити 57 800 сўм.

Ҳар бир ҳисобот даври охирида 9910-«Якуний молиявий натижа» ҳисобварағининг дебити ва кредити бўйича оборотлар жамланади ва мазкур ҳисобварақ бўйича ҳисобот даврининг якуний молиявий натижасини тавсифлайдиган умумий сальдо ҳисобланади.

Ҳисобот йили тугагач, йиллик молиявий ҳисобот тузилаётганида 9910-«Якуний молия-

вий натижа» ҳисобварағи 8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» ҳисобварағи билан корреспонденцияда ёпилади.

Келтирилган мисолда молиявий натижа (ўстиришдаги ва бўрдоқига боқиландиган ҳайвонларни реализация қилишдан фойда) 3 242 200 сўмни ташкил қилади, у бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

9910-«Якуний молиявий натижа» ҳисобварағи дебити 3 242 200 сўм;

8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» ҳисобварағи кредити 3 242 200 сўм.

Ҳайвонларнинг устав капиталига берилиши, текин берилиши пайтида чиқиб кетиши худди шундай тартибда акс эттирилади. Дебиторлик қарзи (4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинандиган счётлар» ҳисобварағи) ўрнига инвестициялар (0600-«Узоқ муддатли инвестициялар» ҳисобварағи) ёки бошқа операция харажатлар (9430-«Бошқа операция харажатлар» ҳисобварағи) акс эттирилади.

Қишлоқ ҳўжалиги ташкилотлари ўстиришдаги ва бўрдоқига боқиландиган ҳайвонларни вақти вақти билан, бироқ бир йилда камида бир марта инвентаризациядан ўтказишлари керак.

Инвентаризацияларнинг ҳисобот йилидаги миқдори, уларни ўтказиш санаси, уларнинг ҳар бири пайтида текшириладиган мол-мулк ва молиявий мажбуриятлар рўйхати ташкилот раҳбари томонидан белгиланади. Одатда катта ёшли маҳсулдор ҳайвонлар, иш ҳайвонлари, ёш ҳайвонлар, бўрдоқига боқиландиган ҳайвонлар, қуёнлар, ёввойи ҳайвонлар, тажриба остидаги ҳайвонлар ва паррандаларнинг ҳақиқий бош сонини инвентаризация қилиш чоракда камида бир марта ўтказилади.

Паррандалар кенг ҳажмли катаклар, бошқариладиган микроклиматли деразасиз хоналарда боқиландиган, ишлаб чиқаришнинг саноат усуллари қўлланиладиган ихтисослашган қишлоқ ҳўжалиги ташкилотларида инвентаризация йилда бир марта ҳисобот йилининг 31 декабридаги ҳолат бўйича; асалари оилалари - бир йилда камида икки марта (бахорда 1 июндан ва кузда, одатда, 1 октябрдан кечиктирмай) ўтказилади.

Ташкилот мол-мулки, шу жумладан ўстиришдаги ва бўрдоқига боқиландиган ҳайвонларни инвентаризациядан ўтказиш ҳамда унинг натижаларини расмийлаштиришнинг умумий қоидалари ва умумбелгиланган тартиби «Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш» Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (19-сон БҲМС) (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 2 ноябрда 833-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан белгиланган.

Камомати инвентаризациялаш вақтида аниқланган, етишмаётган ўстиришдаги ва бўрдоқига боқиландиган ҳайвонларнинг баланс қиймати, айбдор шахслар аниқланишига қадар, 5910-«Бойликларнинг бузилишидан камомад ва талафотлар» ҳисобварағида ўстиришдаги ва бўрдоқига боқиландиган ҳайвонларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (1100) билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Инвентаризация қилиш натижасида аниқланган, табиий йўқолиш меъёрлари доирасида ўстиришдаги ва бўрдоқига боқиландиган ҳайвонларнинг етишмаган суммаси қонун билан белгиланган ҳолларда, шунингдек камоматнинг аниқ айбдорлари топилмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда уни молия-ҳўжалик фаолияти натижаларига ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган

ҳисобот даврида молия-ҳўжалик фаолияти натижаларига киритилади.

Мол етказиб берувчилардан келиб тушган ўстиришдаги ва бўрдоқига боқиландиган ҳайвонларни қабул қилаётганда аниқланган камомад ва талафотлар, шунингдек уларнинг шартномада назарда тутилган миқдорлардан ортиқча камомати ёки бузилиши 4860-«Даъволар бўйича олинандиган счётлар» ҳисобварағи дебити бўйича ҳисобга олинади. Талафотларнинг айбдорларига даъво билдирилади ва, агар улар даъво қаноатлангирмасалар, даъво аризаси билан ҳўжалик судига муурожаат қилинади. Суд айбдорлардан юқорида кўрсатилган талафот суммаларини ундиришни рад этган тақдирда мазкур операция бухгалтерия ҳисобида 9430-«Бошқа операция харажатлар» ҳисобварағи дебити ва 4860-«Даъволар бўйича олинандиган счётлар» ҳисобварағи кредити бўйича акс эттирилади.

Бундан ташқари, ўстиришдаги ва бўрдоқига боқиландиган ҳайвонлар талафоти (нобуд бўлиши) бошқа турли сабабларга кўра юз беради. Улар ҳайвонларнинг касали (оқсим, куйдирги, қутуриш, сил), эпизоотия (оммавий юқумли захарланиш), табиий офатлар (ёнгинлар, тошқинлар, қаттиқ совуқлар) ёки қишлоқ ҳўжалиги ташкилотлари ходимларининг айби, шу жумладан уларнинг совуққон муносабати туфайли юз бериши мумкин.

Ушбу талафотлар миқдори нобуд бўлган ҳайвонларнинг қийматидангина шаклланди. Унга қуйидагилар ҳам қиради:

- нобуд бўлган ҳайвонларни расмийлаштириш, кўмиш ва ташиш билан боғлиқ ходимлар меҳнатига тўланадиган сумма (ажратмаларни ҳисобга олган ҳолда);
- нобуд бўлган ҳайвонларни йўқотиш билан банд ходимлар учун махсус кийим ва махсус пойабзалга харажатлар;
- ҳайвонлар қабристонларини сақлаб туриш ва таъмирлаш харажатлари;
- ветеринария хулосаси қиймати;
- нобуд бўлган ҳайвонларни кўмиш харажатлари.

Бугунги кунда қонунчиликда бундай ҳолатларни расмийлаштириш учун фойдаланиладиган ҳужжатларнинг алоҳида шакллари тасдиқланмаган. Бошланғич ҳужжатларда барча мажбурий реқвизитлар бўлиши ҳамда улар Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни 9-моддасида ва Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисида Низомда (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 14 январда 1297-сон билан рўйхатдан ўтказилган) назарда тутилган талабларга жавоб бериши керак.

Ходимлар томонидан ўстиришдаги ва бўрдоқига боқиландиган ҳайвонларнинг нобуд бўлиши ҳамда камомати етказган зарар қопланганда қуйидаги ҳужжатларни расмийлаштиришни тавсия қиламиз:

- ҳайвонларнинг чиқиб кетишига (сўйиш, бўғизлаш, нобуд бўлиши) далолатнома;
- ҳалок бўлиш (нобуд бўлиш) сабаблари тўғрисида ветеринария шифокорининг хулосаси;
- зарарни қоплаш тўғрисида даъво билдирилган шахсларга нисбатан (агар улар жиноий жавобгарликка тортилган бўлишса) суд ҳукми ёки тергов органлари қарорининг нусхаси;
- ҳайвонларнинг қиймати тўғрисида маълумотнома;
- нобуд бўлган ҳайвонлар учун суғурта қопламани тўлаш тўғрисида (агар улар суғурта қилинган бўлса) ҳужжатлар.

Ўстиришдаги ва бўрдоқига боқиландиган ҳайвонларни сўйиш, мажбурий бўғизлаш, уларнинг нобуд бўлиши, табиий офатлар қурбони бўлиши, йўқолиши ҳар бир ҳодисасига «Ўстиришдаги ва бўрдоқига боқиландиган ҳайвонларнинг чиқиб кетишига (сўйиш, бўғизлаш, нобуд бўлиш) далолатнома» тузилади (СХ-54-сон шакл).

СХ-54-сон намунавий шакл «Тасдиқлайман»

раҳбар Ф.И.О. _____ имзоси _____
« _____ » _____ 20 ____ йил.

Ўстиришдаги ва бўрдоқига боқиландиган ҳайвонларнинг чиқиб кетишига _____ сон ДАЛОЛАТНОМА

Тузилган сана « _____ » _____ 20 ____ йил
Ташкилот _____
Ферма (участка, цех) _____
Чиқиб кетиш сабаби ва ташхис _____



РЕКЛАМА

Маълумотномангиз бухгалтерия ҳисобининг барча бўлимларини ўз ичига олганми?

«Бератор» Бухгалтер ва Раҳбар учун янгиланувчи маълумотномалар
Қуйидаги бўлимларга ажратилган **1000 хил вазият:**

1. Асосий воситалар
2. Номоддий активлар
3. Товарлар ва материаллар
4. Ишлаб чиқариш
5. Сотувлар
6. Ходимлар билан ҳисоблашишлар
7. Солиқлар
8. Молиявий натижалар
9. Текширишлар

Намуна ва CD-версияни етказиб берамиз. Демо berator.uz да «АКАДЕМПРЕССА»

Хатолардан ҳимоялаб... **BERATOR**

☎ **241-05-42, 380-93-52**

Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!
РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ЁАЖ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ
Нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Қосон туман Суд ижроийлар бўлини маси томонидан, Қашқадарё вилоят ҳўжалик судининг 2007 йил 18 июндаги 18-0706/5497, 2007 йил 18 июндаги 18-0706/5495 ва 2007 йил 24 августдаги 18-0702/8421-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Қосон туман Ш.Рашидов кўчасида жойлашган, 2002 йил қурилган, 1 қаватли, умумий майдони 2 250 кв. метр бўлган Қосон туман Пахта тозалаш ОХЖга қарашли Нотукима цех биноси.

Бошланғич баҳоси - 223 898 000 сўм.
Аукцион савдоси 2008 йил 16 декабрь куни соат 10.00 да Қарши шаҳар, М.Абдуллаева кўчаси, 20-уйда ўтказилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мулк билан тегишли СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБ Қашқадарё вилоят филиалининг қуйидаги 20210000200571452006 ҳисобрақамига, Қарши шаҳар Асака банк, МФО: 00194, ИНН: 200933850 тўлашлари шарт.

Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-375) 225-44-58, 225-41-52.
РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!

ЎСТИРИШДАГИ ВА БЎРДОҚИГА БОҚИЛАДИГАН ҲАЙВОНЛАРНИ БАЛАНСДАН ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

РЕКЛАМА

5-бетда

Ҳайвонлар гуруҳи (тури)	Инвентарь рақами, лақаби, насли	Жинси, ёши, йили	Боқилиш даражаси	Миқдори, печта бош	Жонли вази, кг	Баланс қиймати	Чиқиб кетаётган ҳайвонлар куйидаги ходимга бириктирилган	
							Ф.И.О.	имзо

Илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати:

1. Ҳайвонларни асосий подадан чиқариш далолатномалари

_____ сон «_____» _____ 20__ йил

Бригадир _____

имзо

имзо расшифровкаси

Зоотехник _____

имзо

имзо расшифровкаси

Веттехник _____

имзо

имзо расшифровкаси

СХ-54-сон шаклнинг орқа томони

Маҳсулот номи	Вази, кг	Нархи	Сумма	Маҳсулотдан фойдаланиши

Маҳсулот оморга юкхат бўйича қабул қилинди:

_____ сон «_____» _____ 20__ йил.

Омбор мудир _____

имзо

имзо расшифровкаси

М.Ў. «_____» _____ 20__ йил

Сўйиш (бўғизлаш, табиий офатлар натижа-сида нобуд бўлиш ва талафотлар) яқунлангач, ўстиришдаги ва бўрдоқига боқиладиган ҳайвонларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижани аниқлаш мақсадида ҳайвонларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ харажатлар ва уларнинг чиқиб кетишидан маҳсулот келиб тушиши тўғрисида маълумотнома тузишни тавсия қиламиз. Мазкур маълумотномада сўйиш, мажбурий бўғизлаш, нобуд бўлиш ва табиий офатлар оқибатларини тугатиш билан боғлиқ харажат-

лар, шунингдек ҳайвонларнинг чиқиб кетиши (сўйиш, бўғизлаш, нобуд бўлиш) далолатнома-сида (СХ-54-сон шакл) кўрсатилган маҳсулотнинг номи, вази, нархи ва суммаси кўрсатилади. «Чиқиб кетиш натижалари» сатрида ҳайвонларнинг чиқиб кетишидан натижа кўрсатилади.

Ўстиришдаги ва бўрдоқига боқиладиган ҳайвонларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ харажатлар ва уларнинг чиқиб кетишидан маҳсулот келиб тушиши тўғрисидаги маълумотнома куйидаги шаклда бўлади:

Ўстиришдаги ва бўрдоқига боқиладиган ҳайвонларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ харажатлар ва уларнинг чиқиб кетишидан маҳсулот келиб тушиши тўғрисида маълумотнома

Чиқиб кетиш билан боғлиқ харажатлар				Эҳтимолий фойдаланиш нархлари бўйича чиқиб кетишидан келиб тушиди				
ишлар тури	ҳужжат рақами	харажатлар моддаси	сумма	ҳужжат рақами	маҳсулот номи	миқдори	нархи	сумма
Жами				Жами				

Чиқиб кетиш натижалари _____

Бош бухгалтер (бухгалтер) _____

имзо

имзо расшифровкаси

М.Ў. «_____» _____ 20__ йил

Ўстиришдаги ва бўрдоқига боқиладиган ҳайвонларнинг инвентаризациялаш пайтида аниқланган камомати, шунингдек бойликларнинг бузилиши, нобуд бўлган ва мажбуран сўйилган ҳайвонларнинг қиймати ҳам (эпизоотия ёки табиий офатлар муносабати билан нобуд бўлганларидан ташқари) ҳақиқий (баланс) қиймат бўйича ҳисобдан чиқарилади.

Аниқ айбдор шахслар топилган тақдирда, инвентаризациялаш натижасида аниқланган ўстиришдаги ва бўрдоқига боқиладиган ҳайвонларнинг камомати суммаси моддий жавобгар шахс ёки айбдордан ундирилади.

Айбдор ходимдан етказилган зарарнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ошмайдиган суммаси иш берувчининг фармойишига кўра ундирилади. Фармойиш зарар аниқланган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай берилиши мумкин. Бунда зарар миқдори мазкур жойда инвентаризацияни ўтказиш даврида амал қилган бозор нархлари бўйича ҳисоблаб чиқарилади.

Агар ходимдан ундириладиган етказилган зарар суммаси унинг ўртача ойлик иш ҳақидан ошса ёки зарар аниқланган кундан бошлаб бир ойлик муддат ўтган бўлса, ундириш суд тартибида амалга оширилади.

Зарар миқдори бозор қиймати бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун куйидагилардан фойдаланилиши мумкин:

– етиштирувчилардан ва уларнинг расмий дилерлари, товар-хом ашё биржаларидан ёзма равишда олинган, ўстиришдаги ва бўрдоқига боқиладиган ҳайвонларнинг худди шундай бирлигига жорий қиймат (нархлар) тўғрисида маълумотлар;

– қайта баҳолашни ўтказиш санасида ва ҳайвонларнинг тегишли бирлигини харид қилиш санасида чет эл валюталари курсларининг сўмга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгиланган нисбати билан аниқланган ҳисоб-китоб коэффициентини қўллаган ҳолда харид қилиш санасида (тасдиқловчи ҳужжат

мавжуд бўлса) ўстиришдаги ва бўрдоқига боқиладиган ҳайвонлар бирлигининг ЭАВдаги таннархи тўғрисида маълумотлар;

– тегишли давлат органларида мавжуд бўлган нархлар даражаси тўғрисида маълумотлар;

– қайта баҳолашни ўтказиш даврида оммавий ахборот воситалари ва махсус адабиётларда чоп этилган нархлар даражаси тўғрисида маълумотлар;

– ўстиришдаги ва бўрдоқига боқиладиган ҳайвонлар тегишли бирлигининг жорий қиймати тўғрисида баҳоловчининг ҳисоботи.

Ўстиришдаги ва бўрдоқига боқиладиган ҳайвонлар камоматидан зарарлар турли сабабларга кўра ҳеч ким томонидан компенсация қилинмайдиган ҳолларда кўрилган зарарлар суммаси бошқа операция харажатлар таркибида ҳисобдан чиқарилиши керак (9430-«Бошқа операция харажатлар» ҳисобварағи).

Уларнинг камомати муносабати билан ўстиришдаги ва бўрдоқига боқиладиган ҳайвонларни балансдан ҳисобдан чиқариш «Уста Ортик» фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисобида куйидагича акс эттирилади:

– ҳайвонларнинг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганида:

– 5910-«Бойликларнинг бузилишидан камомат ва талафотлар» ҳисобварағи дебети 150 000 сўм;

1110-«Ўстиришдаги ҳайвонлар» ҳисобварағи кредити 25 000 сўм;

1120-«Бўрдоқдаги ҳайвонлар» ҳисобварағи кредити 125 000 сўм;

– бошқа операция харажатларга киритилганда:

9430-«Бошқа операция харажатлар» ҳисобварағи дебети 150 000 сўм;

5910-«Бойликларнинг бузилишидан камомат ва талафотлар» ҳисобварағи кредити 150 000 сўм.

Х.ОРТИҚОВ,

БМТРД «Давлат молияси ислоҳоти» лойиҳасининг эксперти.

Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

нархлари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади. 2008 йил 30 декабрь куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й.Бобожинов кўчаси, 23-уйда ўтказиладиган очик аукцион савдосига куйидаги мулклар кўйилмоқда:

1. Хоразм вилоят хўжалик судининг 23.07.2008 йилдаги 1203-сонли суд ажримига асосан санация жорий қилинган, Урганч шаҳар, Саноатчилар кўчаси, 1-уйда жойлашган, «Урганч экскаватор» ОАЖга қарашли бўлган куйидаги мулклар, кредиторлар йиғилишининг 22.11.2008 йил баённомаси қарорига асосан ўтказилган аукцион савдоларида сотилмай қолган мулкларнинг бошланғич баҳолари 10 фоизга арзонлаштирилган ҳолда қайта кўйилади. Булар:

Электр таъминот К.Джар ВЛ-0.4-10 КВ.

1) Стойка ж/б СВ-110-3,5. Жами - 42 дона. **Бошланғич баҳоси – 3 158 719 сўм.**2) Изолятор ШФ 20б. Жами - 113 дона. **Бошланғич баҳоси – 254 405 сўм.**3) Пўлат траверслар. Жами - 37 дона. **Бошланғич баҳоси – 425 607 сўм.**4) Провод ВЛ-10 кв. Жами - 2100 метр. **Бошланғич баҳоси – 2 977 853 сўм.**5) Икарус-255 русумли 22АН491 давлат белгили 2003 йил ишлаб чиқарилган автобус. **Бошланғич баҳоси – 30 418 664 сўм.**6) Икарус-256 русумли 22АН417 давлат белгили 2003 йил ишлаб чиқарилган автобус. **Бошланғич баҳоси – 30 418 664 сўм.**7) 2002 йилда ишлаб чиқарилган сеялка. **Бошланғич баҳоси – 4 543 534 сўм.**

Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида жойлашган, жамиятнинг куйидаги ёрдамчи хўжалиги бино ва иншоотлари кўйилади:

8) 1996 йилда қурилган, қурилиш ости ер майдони – 207,43 кв. метрни ташкил қилган дала шийпони биноси. **Бошланғич баҳоси – 6 156 545 сўм.**9) 1996 йилда қурилган, қурилиш ости ер майдони – 309,75 кв. метрни ташкил қилган меҳмонхона биноси. **Бошланғич баҳоси – 8 533 229 сўм.**10) 2004 йилда қурилган, қурилиш ости ер майдони – 763,84 кв. метрни ташкил қилган «гуруч омор» биноси. **Бошланғич баҳоси – 14 664 139 сўм.**11) 2004 йилда қурилган, қурилиш ости ер майдони – 65,21 кв. метрни ташкил қилган дала шийпони №1. **Бошланғич баҳоси – 2 716 099 сўм.**12) 2004 йилда қурилган, қурилиш ости ер майдони – 65,835 кв. метрни ташкил қилган дала шийпони №2. **Бошланғич баҳоси – 2 751 940 сўм.**13) 2004 йилда қурилган, қурилиш ости ер майдони – 65,835 кв. метрни ташкил қилган дала шийпони №3. **Бошланғич баҳоси – 2 387 148 сўм.**

Эслатма: 2008 йил 30 декабрь куни ўтказилган очик аукцион савдосида сотилмай қолган мулкларнинг такрорий аукцион савдолари 2009 йил 6 ва 13 январь кунлари қайта ўтказилади.

Шунингдек, 2008 йил 04, 11, 18, 25 декабрь кунлари соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й.Бобожинов кўчаси, 23-уйда ўтказиладиган такрорий аукцион савдосига «Урганч экскаватор» ОАЖга қарашли бўлган куйидаги мулклар қайта кўйилмоқда:

1. Т-150К русумли 21-31 ЕУ давлат белгили 1989 йил ишлаб чиқарилган трактор. **Бошланғич баҳоси – 13 934 592 сўм.**2. Т-150К русумли 09-84 ЕУ давлат белгили 1988 йил ишлаб чиқарилган трактор. **Бошланғич баҳоси – 13 934 592 сўм.**3. ХТЗ-150К-09 русумли 08-18 ХЗ давлат белгили 2004 йил ишлаб чиқарилган трактор. **Бошланғич баҳоси – 23 079 168 сўм.**4. Енисей-1200Р русумли завод №20684, 1994 йил ишлаб чиқарилган трактор. **Бошланғич баҳоси – 9 338 817 сўм.**5. Енисей-1200Р русумли завод №20685, 1994 йил ишлаб чиқарилган трактор. **Бошланғич баҳоси – 9 338 817 сўм.**6. Т-170 русумли 1991 йил ишлаб чиқарилган трактор. **Бошланғич баҳоси – 9 974 502 сўм.**7. Т-4А русумли 36-95 ХЖ давлат белгили 1994 йил ишлаб чиқарилган трактор. **Бошланғич баҳоси – 7 266 046 сўм.**8. ГАЗ-330727 (бортли) русумли 22АА651 давлат белгили 1991 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси – 8 830 080 сўм.**9. КАМАЗ-5320 (бортли) русумли 22АД707 давлат белгили 1989 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси – 14 400 000 сўм.**10. МАЗ-5334 русумли 22АД708 давлат белгили 1983 йил ишлаб чиқарилган автокран. **Бошланғич баҳоси – 21 039 120 сўм.**11. ОДАЗ-9370 русумли 22А172 давлат белгили 2003 йил ишлаб чиқарилган тиркама. **Бошланғич баҳоси – 6 790 218 сўм.**12. ОДАЗ-9370 русумли 22А152 давлат белгили 1989 йил ишлаб чиқарилган тиркама. **Бошланғич баҳоси – 4 807 440 сўм.**13. МАЗ-54323 (тягач) русумли 22АН361 давлат белгили 1991 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси – 16 878 240 сўм.**14. МАЗ-64229 (тягач) русумли 22АД506 давлат белгили 1991 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси – 26 611 200 сўм.**15. ИЖ-2715011 (фургон) русумли 22АВ078 давлат белгили 1986 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси – 1 028 880 сўм.**16. ЭО-3211Е1 русумли завод №3688 бўлган 1991 йил ишлаб чиқарилган экскаватор. **Бошланғич баҳоси – 27 934 560 сўм.**17. Т-130 русумли завод рақами №98117 бўлган 1994 йил ишлаб чиқарилган бульдозер. **Бошланғич баҳоси – 18 414 720 сўм.**18. Т-4А русумли 24-53 ЕС давлат белгили 1995 йил ишлаб чиқарилган трактор. **Бошланғич баҳоси – 8 811 360 сўм.**19. 2ПТС-4-793 русумли давлат белгисиз 1996 йил ишлаб чиқарилган тиркама. **Бошланғич баҳоси – 988 560 сўм.**20. 1996 йил ишлаб чиқарилган 2 дона мобильный домик. Ҳар бирининг **бошланғич баҳоси – 1 584 000 сўм.**21. 1998 йилда ишлаб чиқарилган Зерноочиститель. **Бошланғич баҳоси – 1 006 195 сўм.**22. СНП-500 русумли 2002 йилда ишлаб чиқарилган насос (двигателсиз). **Бошланғич баҳоси – 1 151 611 сўм.**23. Д-6300 русумли 2000 йилда ишлаб чиқарилган насосная станция. **Бошланғич баҳоси – 12 685 818 сўм.**

Электр таъминот:

24. Стойка ж/б СВ-9,5-2,0. Жами - 60 дона. **Бошланғич баҳоси – 3 818 232 сўм.**25. Изолятор ТФ 20 (0,4). Жами - 194 дона. **Бошланғич баҳоси – 280 773 сўм.**26. Пўлат траверслар 0,4 кв. Жами - 55 дона. **Бошланғич баҳоси – 632 659 сўм.**27. Провод сечение 16 мм². Жами - 2200 метр. **Бошланғич баҳоси – 2 135 895 сўм.**

Шунингдек, 2008 йил 30 декабрь куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й.Бобожинов кўчаси, 23-уйда ўтказиладиган очик аукцион савдосига куйидаги мулклар кўйилмоқда:

1. Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг 07.11.2008 йилдаги ажримига асосан, Хива тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Хом ашё таъминоти» МЧЖга тегишли бўлган, Хива шаҳри, К.Ёқубов кўчаси, 71-уйда жойлашган, 3 қаватли, қурилиш ости ер майдони – 872,6 кв. метрни ташкил қилган, ишлаб чиқариш цехи биноси.

Бошланғич баҳоси – 220 543 628 сўм.

Савдога кўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили ёки суд бошқарувчиси иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда РКМБнинг Хоразм вилояти филиалидаги куйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотека» банки «Тинчлик» филиали, МФО: 00580, ИНН: 200933850.

Кўшимча маълумотлар учун телефон: 226-32-63, факс: 226-43-64.

Лицензия: ДВ 001 №000004.

РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:

- «Ҳакамлик судлари ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»;
- «Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида».

● МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР:

- ЎзР МВ, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, ДСҚнинг «Аҳоли пунктларини бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудлар таркибига киритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.
- ЎзР ДБҚнинг «Эркин муомалага чиқариш божхона режимига мувофиқ шартли чиқариб юборилаётган товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 44-45-сон, 443-модда)

«Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ҳакамлик судлари ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига қўшимчалар киритилсин.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.А.Мухитдинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2008 йил 30 октябрь
235-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 30 октябрдаги 235-сон қарорига
1-ИЛОВА

ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

І. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари ҳисобини рўйхатдан ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муваққат ҳакамлик судлари ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

2. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари ҳисобини рўйхатдан ўтказиш ҳакамлик суди мақомини ва унинг ваколатларини расмий тасдиқлаш усули ҳисобланади, Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари китобига ҳакамлик суди тўғрисидаги маълумотларни киритиш ва ҳисобини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома бериш орқали амалга оширилади.

Муваққат ҳакамлик судларини ҳисобга олиш муваққат ҳакамлик суди мақомини ва ваколатларини расмий ҳисобга олиш усули ҳисобланади, Муваққат ҳакамлик судлари реестрига ҳакамлик суди тўғрисидаги маълумотларни киритиш ва уларга ҳисобга олинганлиги тўғрисида хабарнома юбориш орқали амалга оширилади.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари ҳисоби-

ни рўйхатдан ўтказишда ва муваққат ҳакамлик судларини ҳисобга олишда ҳакамлик судини ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги кўриб чиқилмайди, унинг фаолиятига аралashiшга йўл қўйилмайди.

3. Қуйидагилар доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари ҳисобини рўйхатдан ўтказиш ва муваққат ҳакамлик судларини ҳисобга олишнинг мақсади ҳисобланади: ҳакамлик судлари ташкил этилганлигини ва уларнинг фаолияти тугатилганлигини тасдиқлаш, ҳакамлик судлари тўғрисидаги маълумотларни тизимлаштириш;

ҳакамлик судлари фаолиятини ташкил этиш ва тугатиш; шунингдек доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари таркибига кирадиган ҳакамлик судьялари тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш.

4. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари ҳисобини рўйхатдан ўтказиш ва муваққат ҳакамлик судлари ҳисобини юритиш тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (кейинги ўринларда адлия органлари деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

5. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари ҳисо-

бини рўйхатдан ўтказиш ва муваққат ҳакамлик судларини ҳисобга олишни амалга ошириш учун тўловлар ундирилмайди.

II. ДОИМИЙ ФАОЛИЯТ КЎРСАТУВЧИ ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ ҲИСОБИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШНИ ЮРИТИШ

6. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил этган юридик шахс унинг ҳисобини рўйхатдан ўтказишни амалга ошириш учун доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида ҳакамлик судининг жойлашган жойи бўйича ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича адлия органига ариза юборади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил қилган юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариус томонидан тасдиқланган нусхаси;

юридик шахснинг ваколатли органи томонидан доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил этиш тўғрисида қабул қилинган қарори нусхаси;

юридик шахснинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди низоми ва иш тартиби нусхаси;

ҳакамлик судьялари рўйхати;

ҳакамлик судьялари паспортларининг нусхалари;

ҳакамлик судьялари дипломларининг (олий юридик маълумоти бўлганда) нотариус томонидан тасдиқланган нусхалари. Ҳакамлик судлари ҳисобини рўйхатдан ўтказиш учун камида битта ҳакамлик судьясининг олий юридик маълумоти бўлиши керак;

ҳакамлик судьялари меҳнат дафтарчаларининг (мавжуд бўлганда) нотариус томонидан тасдиқланган нусхалари.

7. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил этган юридик шахс тақдим қилинган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва қонун ҳужжатларига мувофиқлиги учун жавоб беради.

8. Тақдим қилинган ҳужжатларга асосан адлия органи белгиланган тартибда ҳакамлик судьялари рўйхатига киритилган шахсларнинг «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқлигини ўрганиб чиқади.

Ҳакамлик судьялари рўйхатига киритилган шахслар кўрсатиб ўтилган талабларга мувофиқ бўлган тақдирда адлия органи доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳисобини рўйхатдан ўтказишни амалга оширади. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳисобини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари реестрига киритилади.

Тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳисобини рўйхатдан ўтказиш ўн беш кундан ошмайдиган муддатда амалга оширилади.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳисобини рўйхатдан ўтказишни амалга ошириш тўғрисида тегишли адлия органи Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари реестрига маълумотлар киритилган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида аризага ҳакамлик суди ҳисоби рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома беради. Ҳакамлик суди ҳисобини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома шакли Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

9. Ҳакамлик судьялари рўйхатига киритилган шахслар белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган ёки аризага асосан зарур даражада расмийлаштирилмаган ёхуд тўлиқ бўлмаган ҳужжатлар тақдим қилинган тақдирда адлия органи аниқланган камчиликларни ва аризага тегишли ҳужжатларни тақдим қилиши мумкин бўлган муддатни кўрсатган ҳолда аризага хабарнома юборади.

10. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди фаолияти тугатилган, шунингдек доимий фаолият кўрсатувчи

ҳакамлик суди низомига ёки иш тартибига ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритилган тақдирда юридик шахс ўн иш куни мобайнида адлия органига тегишли ҳужжатларни тақдим этади. Адлия органи барча зарур ҳужжатлар тақдим қилинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари реестрига тегишли ёзувни киритади.

III. МУВАҚҚАТ ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ

11. Муваққат ҳакамлик судлари ҳисобини амалга ошириш учун муваққат ҳакамлик судининг раислик қилувчиси (низо ҳайъатда кўриб чиқиладиганда) ёхуд ҳакамлик судьяси (низо яққа кўриб чиқиладиганда) ҳакамлик муҳокама-си бошлангунга қадар ҳакамлик суди жойлашган жойдаги адлия органига ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича хабарнома юборади. Хабарномага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ҳакамлик битими нусхаси;

ҳакамлик судьялари рўйхати (низо ҳайъатда кўриб чиқиладиганда);

ҳакамлик судьялари паспортлари нусхалари;

ҳакамлик судьялари дипломларининг (олий юридик маълумоти бўлганда) нотариус томонидан тасдиқланган нусхалари. Ҳисобга олиш учун камида битта ҳакамлик судьясининг олий юридик маълумоти бўлиши керак;

ҳакамлик судьялари меҳнат дафтарчаларининг (мавжуд бўлганда) нотариус томонидан тасдиқланган нусхалари.

12. Адлия органи тақдим қилинган ҳужжатларга асосан белгиланган тартибда ҳакамлик судьялари рўйхатига киритилган шахсларнинг «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқлигини ўрганиб чиқади.

Ҳакамлик судьялари рўйхатига киритилган шахслар кўрсатиб ўтилган талабларга мувофиқ бўлган тақдирда адлия органи муваққат ҳакамлик судини ҳисобга олишни амалга оширади. Муваққат ҳакамлик судини ҳисобга олиш тўғрисидаги маълумотлар ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича Муваққат ҳакамлик судлари реестрига киритилади.

Тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва муваққат ҳакамлик судини ҳисобга олиш беш кундан ошмайдиган муддатда амалга оширилади.

Муваққат ҳакамлик судини ҳисобга олиш тўғрисида тегишли адлия органи Муваққат ҳакамлик судлари реестрига маълумотлар киритилган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида аризага ва ҳакамлик битими томонларига ёзма хабарнома юборади.

13. Ҳакамлик судьялари белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган ёки зарур даражада расмийлаштирилмаган ёхуд тўлиқ бўлмаган ҳужжатлар тақдим қилинган тақдирда адлия органи аниқланган камчиликларни ва аризага тегишли ҳужжатларни тақдим қилиши мумкин бўлган муддатни кўрсатган ҳолда аризага хабарнома юборади.

IV. ҲАКАМЛИК СУДИ ТАРКИБИНИ ЎЗГАРТИРИШ

14. Ҳакамлик суди таркиби ўзгартирилган тақдирда доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил қилган юридик шахс ёки мазкур Низомнинг 11-бандида кўрсатилган шахслар бу тўғрида адлия органига қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда хабарнома юборади:

ҳакамлик судьялари паспортлари нусхалари;

ҳакамлик судьялари дипломларининг (олий юридик маълумоти бўлганда) нотариус томонидан тасдиқланган нусхалари. Бунда камида битта ҳакамлик судьясининг олий юридик маълумоти бўлиши тўғрисидаги талабга риоя қилиниши керак;

ҳакамлик судьялари меҳнат дафтарчаларининг (мавжуд бўлганда) нотариус томонидан тасдиқланган нусхалари.

15. Адлия органи ҳакамлик судьяларининг «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни-

нинг 14-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқлигини ўрганиб чиқади.

Ҳакамлик судьялари кўрсатиб ўтилган талабларга мувофиқ бўлган тақдирда адлия органи Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари реестрига ёки Муваққат ҳакамлик судлари реестрига тегишли ўзгартиришларни киритади.

16. Ҳакамлик судьялари белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган ёки зарур даражада расмийлаштирилмаган ёхуд тўлиқ бўлмаган ҳужжатлар тақдим қилинган тақдирда адлия органи аниқланган камчиликларни ва аризачи тегишли ҳужжатларни тақдим қилиши мумкин бўлган муддатни кўрсатган ҳолда аризачига хабарнома юборади.

V. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

17. Агар адлия органи ҳакамлик судлари ҳисоби рўйхатдан ўтказилгандан ёки ҳисобга олингандан кейин тегишли равишда Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари реестрига ёки Муваққат ҳакамлик судлари реестрига киритилган, «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаган ҳакамлик судьяларини аниқлаган тақдирда у доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил этган юридик шахсга ёки муваққат ҳакамлик суди ташкил этган ҳакамлик битими томонларига номувофиқликни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома юборади.

18. Адлия органи тақдимномаси бажарилмаганда «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддаси талабларига мувофиқ бўлма-

ган ҳакамлик судьялари Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари реестри ёки Муваққат ҳакамлик судлари реестридан чиқариб ташланади. Бир вақтнинг ўзида адлия органи бу тўғрида ваколатли судга хабарнома юборади.

19. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ёки Муваққат ҳакамлик суди тегишли равишда доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳисобини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома ва муваққат ҳакамлик судини ҳисобга олиш тўғрисида хабарнома олгандан кейин ҳакамлик ишини кўришга киришадилар.

20. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судларини ташкил этиш ва фаолиятини тугатиш, муваққат ҳакамлик судларини ташкил этиш, шунингдек доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари таркибига кирувчи ҳакамлик судьялари ҳақидаги ахборот ҳудудий адлия органлари томонидан даврий равишда, лекин ҳар чорақда камида бир марта умумлаштириш ва тизимлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборилади.

Ушбу ахборот Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тизимлаштирилади ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»да нашр этилади.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш, шунингдек доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари таркибига кирадиган ҳакамлик судьялари тўғрисидаги ахборот Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий сайтига жойлаштирилади.

21. Мазкур Низом қоидаларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Ҳакамлик судлари ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

(ҳакамлик суди ҳисобини рўйхатдан ўтказишни амалга оширувчи адлия органининг номи)

**Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳисобини
рўйхатдан ўтказиш тўғрисида
АРИЗА**

(доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил этган юридик шахснинг тўлиқ номи, давлат тилида)

ҳузурида

доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳисобини рўйхатдан ўтказишингизни сўрайман.

Почта манзили: _____

Почта индекси: _____ Боғланиш телефони: _____

Тақдим қилинаётган ҳужжатлар:

- доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил қилган юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариус томонидан тасдиқланган нусхаси;
 - юридик шахснинг ваколатли органи томонидан доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил этиш тўғрисида қабул қилинган қарори нусхаси;
 - юридик шахснинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди низоми ва иш тартиби нусхаси;
 - ҳакамлик судьялари рўйхати;
 - ҳакамлик судьялари паспортларининг нусхалари;
 - ҳакамлик судьялари дипломларининг (олий юридик маълумоти бўлганда) нотариус томонидан тасдиқланган нусхалари;
 - ҳакамлик судьялари меҳнат дафтарчаларининг (мавжуд бўлганда) нотариус томонидан тасдиқланган нусхалари.
- Мен тақдим қилинган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ишончлилигини ва қонун ҳужжатларига мувофиқлигини тасдиқлайман.

_____ (тўлдирилган санаси ва вақти)

_____ (ваколатли шахс — аризачи имзоси)

_____ (қабул қилинган санаси ва вақти)

_____ (адлия органи масъул ходимининг имзоси)

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари реестри

T/p	Ариза тушган сана ва вақт	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил қилган юридик шахснинг номи	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил қилган юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтган тартиб рақами ва санаси	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил қилиш тўғрисидаги қарорнинг тартиб рақами ва санаси	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳисобини рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами ва санаси	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди судьялари (Ф.И.О.)	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди фаолиятини тугатиш ёки унинг ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиб рақами ва санаси
1	2	3	4	5	6	7	8

Ҳакамлик судлари ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

(ҳакамлик суди ҳисобини рўйхатдан ўтказишни амалга оширувчи адлия органининг номи)

**Муваққат ҳакамлик судини ҳисобга олишни амалга ошириш тўғрисида
ХАБАРНОМА**

Сизга шу тўғрида хабар қиламизки, _____

ва _____
(ҳакамлик битими томонларининг давлат тилидаги тўлиқ номи)

ўртасидаги низони ҳал қилиш учун _____
(ташкил этилган санаси)

муваққат ҳакамлик суди ташкил этилди.
Муваққат ҳакамлик суди жойлашган жой: _____

Тақдим қилинаётган ҳужжатлар:
ҳакамлик битими нусхаси;
ҳакамлик судьялари рўйхати (низо ҳайъатда кўрилаётганда);
ҳакамлик судьялари паспортлари нусхалари;
ҳакамлик судьялари дипломларининг (олий юридик маълумоти бўлганда) нотариус томонидан тасдиқланган нусхалари;
ҳакамлик судьялари меҳнат дафтарчаларининг (мавжуд бўлганда) нотариус томонидан тасдиқланган нусхалари.

_____ (тўлдирилган санаси ва вақти)

_____ (ҳакамлик суди таркибига раислик қилувчининг ёки ҳакамлик судьясининг имзоси)

_____ (қабул қилинган санаси ва вақти)

_____ (адлия органи масъул ходимининг имзоси)

Ҳакамлик судлари ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Муваққат ҳакамлик судлари реестри

T/p	Хабарнома тушган сана ва вақт	Ҳакамлик битими томонларининг номи		Муваққат ҳакамлик судини ташкил қилиш тўғрисидаги қарорнинг санаси	Муваққат ҳакамлик судини ҳисобга олишни амалга ошириш тартиб рақами ва санаси	Муваққат ҳакамлик судлари судьялари (Ф.И.О.)
		3	4			
1	2	3	4	5	6	7

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА
КИРИТИЛАЁТГАН ҚЎШИМЧАЛАР**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 79-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низом 7-бандининг ўн иккинчи кичик бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари ҳисоби-ни рўйхатдан ўтказиш ва муваққат ҳакамлик судларини ҳисобга олишни амалга оширади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 11-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларида:

а) 1-бандга қуйидаги мазмундаги «и» кичик банд қўшилсин:

“и) ҳакамлик суди қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш тўғрисидаги аризалардан, шунингдек ҳакамлик суди қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризалардан

– энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари”;

б) 2-бандга қуйидаги мазмундаги «ж» кичик банд қўшилсин:

“ж) ҳакамлик суди қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш тўғрисидаги аризалардан, шунингдек ҳакамлик суди қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризалардан

– энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари”.

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАРДА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ ЖАМҒАРМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ МАБЛАҒЛАРИДАН
Фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
ҲАҚИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 46-сон, 456-модда)

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида» 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом

иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2008 йил 12 ноябрь
245-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 12 ноябрдаги 245-сон қарорига
ИЛОВА

**КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАРДА МЕҲНАТНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЖАМҒАРМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ МАБЛАҒЛАРИДАН
Фойдаланиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар (кейинги ўринларда ташкилотлар деб аталади) «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини, мақсадли дастурларни ва ходимларнинг меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш ва муҳофаза қилишга йўналтирилган бошқа чора-тадбирларни молиялаштириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ни ташкил этишга ҳақлидир.

2. Жамғарма мустақил юридик шахс ҳисобланмайди ва ушбу Низомнинг 3-бандида кўрсатиб ўтилган маблағларни жамлаш учун ташкилотнинг тегишли бошқарув органининг қарори асосида ташкил этилади.

**II. ЖАМҒАРМАНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
МАНБАЛАРИ**

3. Жамғарма маблағлари:
ташкилотнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин қоладиган фойдаси (даромади);
юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари;
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тушумлар ҳисоби-га шакллантирилади.

**III. ЖАМҒАРМА МАБЛАҒЛАРИНИ
ЙЎНАЛТИРИШ**

4. Жамғарма маблағлари қатъий равишда:
ташкилотда меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш ва муҳофаза қилиш дастурларини ишлаб чиқишга;

иш ўринларини меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидалари ва нормалари талабларига мувофиқ жиҳозлашга;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга;

меҳнат шарт-шароитларини яхшилашга ҳамда хавфсиз ва самарали меҳнат қилиш шароитларини яратишга, ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш (ма-лакасини ошириш)га;

ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга;

касб касалликларининг олдини олишга;

меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва меҳнатни муҳофаза қилишни тарғиб қилиш воситалари билан таъминлашга;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича конференциялар, семинарлар, йиғилишлар ва кўргазмалар ўтказишга;

меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорликни ташкил этишга;

меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича фаолиятни рағбатлантиришга;

ташкилотнинг ички норматив ҳужжатлари билан белгиланадиган меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа йўналишлари бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган тадбирларни молиялаштириш учун фойдаланилади.

5. Меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ва ушбу чора-тадбирларни молиялаштириш учун зарур маблағлар миқдори коллектив шартномада, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса — иш берувчи билан касаба уюшмаси кўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасида тузиладиган битимда назарда тутилади.

6. Ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг истиқболдаги ва йиллик режаларини ишлаб чиқишда, биринчи навбатда, чанг босганлик, захарли газлар билан ифлосланганлик, вибрация, шовқинни, бошқа хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини, ёнгинпортлаш хавфини, оғир қўл меҳнатини камайтириш (бартараф этиш)ни талаб қиладиган ишлаб чиқаришлар, участкалар, объектлар, технологик жараёнлар аниқланади, шунингдек зарарли ишлаб чиқаришларда ва оғир ишларда банд бўлган ишчилар (айниқса хотин-қизлар) сонини камайтириш, меҳнатнинг хавфсизроқ шарт-шароитларини яратишга доир чора-тадбирлар мўлжалланади.

7. Меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларига: вентиляция қурилмалари, санитария-маиший қурилмаларни жорий таъмирлаш;

қурилаётган бинолар, иншоотлар, монтаж майдонлари, хандақлар, нарвонлар ва ҳоказолар яқинида иш жойини ўраш;

ҳавоза тайёрлаш, монтаж қилиш ва уларни қисмларга ажратиш, ҳавозалар ўрнатиш, хандақлар ва котлованларни маҳкамлаш;

махсус кийим-бош ва махсус пойабзал сотиб олиш,

уларни сақлаш, таъмирлаш, ювиш, чангдан тозалаш, куритиш, дезинфекциялаш;

шахсий ҳимоя воситалари ва юкни ушлайдиган мосламалар сотиб олиш ва уларни синаб кўриш;

ишчиларни даволаш-профилактика овқатлари, сут, совун билан таъминлаш, санитария-маиший ва хизмат хоналари сотиб олиш ва улар томонидан хизматлар кўрсатилиши;

бинолар, иншоотлар ва асбоб-ускуналарни сақлаш элементларидан бири сифатида деворлар, шифтлар, конструкциялар, асбоб-ускуналарни рангли бўяш;

ташкилот ҳудудини ободонлаштириш, шохобча йўллар, пиёдалар йўлакларини асфальтлаш, ҳудудни кўкаламзорлаштириш;

корхона яқинида жойлашган тураржой туманлари учун нормал санитария шароитлари яратиш асосий мақсади бўлган ҳаво ва сув бассейнларининг ифлосланишини камайтириш ёки ифлосланганликни бартараф этиш чора-тадбирлари киритилмайди.

IV. ЖАМҒАРМА МАБЛАҒЛАРИДАН Фойдаланиш тартиби

8. Ташкилот ҳар йили, ушбу Низомдан келиб чиқиб, жорий йилнинг IV чорагида келгуси йилда меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқади ва уни касаба уюшмаси кўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишган ҳолда белгиланган тартибда тасдиқлайди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари молиялаштириш манбалари ва моддий ресурслар билан таъминланиши керак.

9. Жамғарма маблағлари меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг маълумоти асосида ташкилотнинг тегишли бошқарув органи томонидан тасдиқланган смета доирасида сарфланади.

10. Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши устидан назоратни меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари билан бир қаторда бош бухгалтер ва касаба уюшмаси кўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органи амалга оширади.

11. Жамғарманинг ҳисобот йилида фойдаланилмаган маблағлари олиб қўйилмайди, кейинги йилга ўтади ҳамда ушбу Низомда ва ташкилотнинг ички норматив ҳужжатларида белгиланган мақсадларда сарфланади.

12. Меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини молиялаштириш учун ажратилган маблағлардан бошқа мақсадларда, шу жумладан солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни, бошқа кредитор қарздорликни қайтариш учун фойдаланилиши мумкин эмас.

13. Ташкилот раҳбарияти Жамғарма маблағларидан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги учун қонунда белгиланган тартибда жавоб беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ ДАВЛАТ КЎМИТАСИ,
ДАВЛАТ СОЛИҚ КЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИ БОРИШ ҚИЙИН БЎЛГАН ВА ТОҒЛИ ҲУДУДЛАР ТАРКИБИГА КИРИТИШ ТАРТИБИ Тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
11 ноябрда 1868-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 46-сон, 458-модда)

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-357-сонли (Ўзбекистон Республи-

каси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 20-21-сон, 174-модда) ва 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-744-сонли қарорларига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52-сон, 534-модда) мувофиқ қарор қиламиз:

*2008 йил 21 ноябрдан кучга киради.

1. Илова қилинаётган аҳоли пунктларини бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудлар таркибига киритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири
Р.АЗИМОВ.
101-сон

**Ер ресурслари, геодезия,
картография ва давлат кадастри
давлат қўмитаси раиси**
А.АБДУАЗИЗОВ.
113-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**
Б.ПАРПИЕВ.
2008-43-сон

Тошкент ш., 2008 йил 14 октябрь.

Молия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси,
Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 14 октябрдаги 101, 113,
2008-43-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИ БОРИШ ҚИЙИН БЎЛГАН ВА ТОҒЛИ ҲУДУДЛАР
ТАРКИБИГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-357-сонли (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 20-21-сон, 174-модда) ва 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-744-сонли қарорларига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52-сон, 534-модда) мувофиқ бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудларда ташкил этилаётган юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божларини ундириш, шунингдек, мазкур аҳоли пунктларида ўз фаолиятларини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган ягона солиқ тўловларининг табақалашган тизимини қўллаш мақсадида аҳоли пунктларини бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудлар таркибига киритиш тартибини белгилайди.

1. Қуйидаги қишлоқ аҳоли пунктлари бориш қийин бўлган ҳудудлар таркибига киради:

а) яқин жойлашган туман марказлари ва шаҳар чегараларидан 50 километрдан ортиқ масофада жойлашган ҳудудлар;

б) мазкур йўриқноманинг 1-иловасида кўрсатилган туманлар чегарасида жойлашган ҳудудлар.

2. Мазкур йўриқноманинг 2-иловасида кўрсатилган ту-

манлар чегарасидаги денгиз сатҳидан 1 000 метр балан-дликдаги зоналарда жойлашган қишлоқ аҳоли пунктлари тоғли ҳудудларда жойлашган ҳисобланади.

3. Аҳоли пунктларининг узоқлигини аниқлашда, масофаси яқин жойлашган туман маркази ёки шаҳар чегарасидан то қишлоқ, шаҳарча ва овул чегарасигача бўлган энг яқин автомобиль йўллари бўйлаб ҳисобланган масофа қабул қилинади.

4. Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ белгиланган аҳоли пунктлари чегараларидан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг тегишли молия ва солиқ органлари билан келишилган ҳолда, бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудларда жойлашган аҳоли пунктларининг рўйхатини мазкур йўриқнома 1-бандининг а) кичик банди ва 2-бандига мувофиқ равишда тасдиқлайдилар ҳамда рўйхатдан ўтказувчи ва солиқ органларига юбордилар.

5. Мазкур йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган.

Иқтисодиёт вазири
Б.ХОДЖАЕВ.

Тошкент ш.,
2008 йил 14 октябрь.

Аҳоли пунктларини бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудлар таркибига киритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
1-ИЛОВА

**БОРИШ ҚИЙИН БЎЛГАН ТУМАНЛАР
РЎЙХАТИ**

Т/р	Туманлар номи
Қорақалпоғистон Республикаси	
1.	Қонликўл
2.	Муйноқ
3.	Шуманай

Т/р	Туманлар номи
Жиззах вилояти	
1.	Фориш
Қашқадарё вилояти	
1.	Деҳқонобод

Т/р	Туманлар номи
Навоий вилояти	
1.	Томди
2.	Учкудук
Фарғона вилояти	
1.	Сўх

**ДЕНГИЗ САТҲИДАН 1 000 МЕТР БАЛАНДЛИКДАГИ ЗОНАЛАР
МАВЖУД ТУМАНЛАР РЎЙХАТИ**

Т/р	Туманлар номи
Жиззах вилояти	
1.	Бахмал
2.	Ғаллаорол
3.	Зомин
4.	Янгиобод
Наманган вилояти	
1.	Поп
2.	Янгиқўрғон
Қашқадарё вилояти	
1.	Яккабоғ

Т/р	Туманлар номи
2.	Қамаши
3.	Китоб
4.	Шаҳрисабз
Самарқанд вилояти	
1.	Қўшрабат
2.	Ургут
Сурхондарё вилояти	
1.	Денов
2.	Бойсун
3.	Олтинсой

Т/р	Туманлар номи
4.	Қумқўрғон
5.	Сариосиё
6.	Узун
7.	Шеробод
Тошкент вилояти	
1.	Оҳангарон
2.	Бўстонлиқ
Фарғона вилояти	
1.	Фарғона

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ**

**ЭРКИН МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ БОЖХОНА РЕЖИМИГА МУВОФИҚ ШАРТЛИ
ЧИҚАРИБ ЮБОРИЛАЁТГАН ТОВАРЛАРНИ БОЖХОНА РАСМИЙЛАШТИРУВИДАН
ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧА
КИРИТИШ ҲАҚИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
17 ноябрда 1404-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 47-сон, 465-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 9 августдаги 01-02/12-32-сонли қарори билан тасдиқланган «Эркин муомалага чиқариш божхона режимига мувофиқ шартли чиқариб юборилаётган товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомга (2004 йил 9 сентябрь, рўйхат рақами 1404 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари

тўплами, 2004 йил, 36-сон, 404-модда) иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Давлат божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Ш.Ш.Хайруллаев зиммасига юклатилсин.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси
С.НОСИРОВ.**

Тошкент ш.,
2008 йил 25 октябрь
01-02/12-57-сон.

*2008 йил 27 ноябрдан кучга киради.

**Илова рус тилида берилади.

ПРИЛОЖЕНИЕ
к постановлению Государственного
таможенного комитета
от 25 октября 2008 года № 01-02/12-57

**ИЗМЕНЕНИЕ И ДОПОЛНЕНИЕ, ВНОСИМЫЕ В ПОЛОЖЕНИЕ
О ПОРЯДКЕ ТАМОЖЕННОГО ОФОРМЛЕНИЯ ТОВАРОВ, УСЛОВНО ВЫПУСКАЕМЫХ
В СООТВЕТСТВИИ С ТАМОЖЕННЫМ РЕЖИМОМ
«ВЫПУСК ДЛЯ СВОБОДНОГО ОБРАЩЕНИЯ»**

1. Пункт 9 дополнить абзацем следующего содержания: «Сбор за таможенное оформление взимается до принятия или одновременно с принятием полной ГТД.».

2. Подпункт «б» пункта 14 изложить в следующей редакции:

«б) в графе 37 последними двумя цифрами кода про-

цедуры перемещения товара через таможенную границу Республики Узбекистан указывается код особенности перемещения товара, определенный в соответствии с разделом II Приложения № 2 к Инструкции о порядке заполнения грузовой таможенной декларации (рег. № 834 от 3 ноября 1999 г.).».

БИЗНЕС Панорама

«Норма маслаҳатчи» 48 (177)-сон

2008 йил 28 ноябрь



“SANAY” ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

КАФЕЛЬ


сотади, ўлчами 60x60, 45x45, 40x40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай ускунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

Тошкентдаги
омбордан сотилади

Тўлов – исталган
шаклда



Тошкент ш., Ҳамза тумани,
Султонали Машҳадий кўч., 210
(мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел: 269-44-66, факс 269-44-33,
Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com


МУҲР ВА ШТАМПЛАР ТАЙЁРЛАШ

Хизматлар лицензияланган

Тел.: 254-39-27, 281-46-57

“Elit Stamp” МЧЖ

ТАЙЁРЛАЙДИ



МУҲР ва ШТАМПЛАР

реквизит ва факсимил штампчалар,
шунингдек автоматик жиҳозлар

Манзил:

Қорасарой кўч., 270 (собиқ туман иқроия кўмитаси), 4-қavat
мўлжал: Собир Раҳимов туман солиқ инспекцияси
e-mail: elitestamp@mail.ru
тел.: 766-0977, 769-0100, факс 248-3045




Millenium Inform

ТОБУНА

✓ ГАЗЕТАЛАР ✓ ЖУРНАЛЛАР ✓ КИТОБЛАР

763-00-50, 763-00-40, 235-92-13



4-я Международная
специализированная

ВЫСТАВКА

УЗАГРОЭКСПО – 2008

28 – 30 ноября, 2008

Узэкспоцентр, 1Павильон.

- Сельское хозяйство
- Ветеринария. Животноводство.
- Агрохимия.
- Упаковка
- Оборудование для пищевой промышленности.
- Торговое оборудование.
- Продукты питания.



Организаторы
IEG Uzbekistan
Узбекистан, 100084, Ташкент
ул. А. Тимура, 107Б
МБЦ, 4С-02
Тел./факс: +(998 71) 238-5988/82
E-mail: agro@iequzexpo.com
cfs@iequzexpo.com
www.iequzexpo.com

ПРИ ОФИЦИАЛЬНОЙ ПОДДЕРЖКЕ:

- Министерство сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан
- Торгово-промышленная палата Республики Узбекистан
- Ассоциация фермерских хозяйств Республики Узбекистан.

- Бланкалар
- Бандероллар
- Тезтиккичлар
- Бухгалтерия ва ёзув-чизув дафтарлари

АГЕНТ ВА ДИЛЕРЛАР ХАМКОРЛИККА
ТАКЛИФ КИЛИНАДИ

Тел./факс: 150-0090, 150-0091
Уяли: 904-00-90, 905-00-90

“Бизнес-панорама.
Реклама & ахборот”
руқни “Premier-
press” реклама
агентлиги
томонидан
тайёрланди.
Тел.: 237-51-33,
237-51-24.

БИЗНЕС

237 51 33
237 47 05

9-11
декабрь

“Интерконтиненталь”
меҳмонхонаси

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

- Корхона ва ташкилотлар раҳбарларини
- Турли фаолият соҳасидаги корхоналарнинг маркетинг ва реклама бўлими мутахассисларини (реклама берувчиларни)
- Реклама агентликлари, фото- ва дизайн студиялари мутахассисларини
- Реклама, матбаа, дизайн соҳасидаги сўнги янгилеклардан хабардор бўлиш ниятида бўлган барчани

Дизайнерларни ўз ишларини “ДИЗАЙН-ГАЛЕРЕЯ” бўлимида тақдим этишларини таклиф этамиз.

РЕКЛАМА 2008 САНОАТИ

халқаро кўргазма

СИЗ УЧУН

- БЕПУЛ АХБОРОТ СЕМИНАРЛАРИ
- МАСТЕР-КЛАССЛАР
- Кўнгилочар кувноқ тадбирлар, викториналар ва совринли ўйинлар
- Кўргазма иштирокчиларининг тақдимотлари

Ташкилотчилар



САВОЛЛАР БЕРИҒИ

☎ 387-64-46, 381-87-70
✉ ssp-expocontact@mail.ru

• РҲЙХАТЛАР

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 19 ноябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Учтепа туманидаги банкрот деб топилган корхоналар РҲЙХАТИ

Корхона номи	Қарор рақами	Тугатув бошқарувчиси
“NEI CLASSIK” МЧЖ	10-0817/14347(19)	Н.Аҳмаджонов
“MOTHERBOARD PLUS SERVIS” МЧЖ	10-0817/14344(19)	А.Абдуназаров
“INTERYER KOMFORT SERVIS” МЧЖ	10-0817/14346(19)	О.Пўлатова
“PREMIUM KLASS SERVIS” МЧЖ	10-0817/14343(19)	Ш.Суяров
“SPARTA-GUR” МЧЖ	10-0817/14345(19)	Б.Бобомуродов

Мазкур корхоналарга тегишли бўлган думалок муҳр ва учбурчакли тамгалар ҳамда бирламчи таъсис ҳужжатлари ва Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари бекор қилинган. Даъволар 1 ой мобайнида Тошкент ш., М.Шайхзода кўчаси, 1а-уй, 310-хонада қабул қилинади. Тел.: 275-95-10.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 3 сентябрдаги 10-0816/10617-сонли ҳал қилув қарорига асосан Ҳамза туманидаги “NUR FARM TIBBIYOT” МЧЖ банкрот деб эълон қилинганлиги ҳамда корхонанинг муҳр ва штамплари йўқотилганлиги сабабли ушбу корхонанинг давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва корхонага тегишли думалок шаклдаги муҳр ва бурчак тамғаси бекор қилинади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 29 октябрдаги ва 5 ноябрдаги 10-0816/133630617-сонли қарорига асосан Ҳамза туманидаги “FAGAFUR SAVDO” МЧЖ ҳамда 10-0816/13382-сонли қарорига асосан “NUR ASTIK SAVDO” МЧЖ банкрот деб эълон қилинди ва тугатишга оид ишлар бошланди. Тугатиш бошқарувчиси этиб Ҳамза туман ДСИ ходими Ф.Каринов тайинланди. Ушбу корхоналарга алоқадор шахс ва корхоналар 2009 йил 1 январга қадар ўз мурожаатларини қуйидаги манзилга билдиришлари мумкин: Тошкент ш., П.Маҳмуд 2-тор кўчаси, 6-уй, Ҳамза туман ДСИ биноси, 311-хона.

00541-сон лицензия, 2008 йил 8 августда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қўлга расмийлаштирилган.

«ALINA AUDIT» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча турдаги аудиторлик хизматларини кўрсатади. Ахборотларнинг сир сақланиши 100% кафолатланади.

Аудиторлик малака сертификатига (САР/СІРА) эга бўлган аудиторлар доимий ишга таклиф этилади.

Тел.: 921-11-21.

ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сонли гувоҳномаси, 28.03.2008 йилдаги 00642-сонли лицензия.

«AMIR-AUDIT» МЧЖ
барча хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳамма турдаги аудиторлик хизматларини кўрсатади.

Устав капиталимиз - ЎзРдаги 5000 ЭКМдан ортиқ САР сертификатига эга аудиторлар керак.

Телефонлар: 708-04-23 (уяли), 293-45-72 (аш)

«ELIF HISOB» МЧЖ
БАХОЛАШ КОМПАНИЯСИ

- ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ БАРЧА ТАРМОҚЛАРИ УЧУН ТИА ВА БИЗНЕС-РЕЖАЛАР ТУЗИШ
- КОРХОНАЛАРНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРЛАРИНИ ТУЗИШ

жойига чиқиш билан
Хизматлар нархи ҳаммабоп
Баҳоловчилар керак

1810655, 2762488, 4445960, 2790804

Хизматлар лицензияланган

РЕЛМОН-ГАРАНТ
адвокатлик бюроси

хўжалик юритувчи субъектларга ҳуқуқий ва юридик ёрдам

281-59-72, 919-11-39
919-39-10, 188-98-11

«ХИМОЯ»
АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ
ХУҚУҚИЙ МАРКАЗИ

СОЛИҚ ВА БОЖХОНА НИЗОЛАРИ

ТУРЛИ МУРАҚҚАБЛИҚДАГИ ХЎЖАЛИК НИЗОЛАРИ

СУД ХУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШДА ХУҚУҚИЙ ЁРДАМ

НАТИЖАЛАРГА КЎРА ҲАҚ ТЎЛАНАДИ

Тошкент: (371) 237-33-46, 237-13-43, 175-63-72, 188-43-13
Бухоро: (365) 223-63-72, 223-68-85
Навоий: (436) 730-99-80
Қарши: (371) 175-63-72

• РЎЙХАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 27 августда 1158-сонли қарорига асосан Ҳамза туманидаги "MEHRLI MAKON SERVIS" ЁАЖни давлат рўйхатига олинганлиги ҳақидаги "GUVONNOMA" ва корхонанинг думалоқ муҳр ва штамплари йўқотилганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 19 февралдаги 10-0716/15318-сонли ҳал қилув қарорига асосан Ҳамза туманидаги "ROBIYA BEGIM" ХК банкрот деб эълон қилинганлиги муносабати билан мазкур корхонанинг давлат рўйхатига олинганлиги ҳақидаги "GUVONNOMA" ҳамда корхонанинг думалоқ муҳр ва штамплари йўқотилганлиги сабабли бекор қилинади.

Фарғона вилояти хўжалик судининг 2008 йил 12 сентябрдаги 15-08-06/14441-сонли ҳал қилув қарорига асосан Бешариқ туманидан рўйхатдан ўтган "Анасбек бегим саховати" ХК банкрот деб эътироф этилди ҳамда тугатишга доир иш юритиш кўзгалтирилганлиги сабабли даъволар 2 ой мобайнида Бешариқ туман ДСИ биносида ДСИ ходими К.Абдусаматов томонидан эълон босилган кундан бошлаб қабул қилинади. Ушбу корхонага тегишли муҳр ва штамплар бекор қилинади. Манзил: Бешариқ тумани, Олтин Водий кўчаси, Бешариқ туман ДСИ биноси. Тел.: 61-22-217, 61-22-209.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 10 ноябрдаги 10-0805/13857-сонли ҳал қилув қарорига асосан Собир Раҳимов туманидаги "STROY-MASTER" МЧЖ банкрот деб топилиб, тугатиш жараёни бошланган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Д.Санаев тайинланган. Ушбу корхонага алоқадор шахслар ва корхоналар 2 ой давомида ўз аризалари билан мурожаатларини Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, туман ДСИ биносининг 116-хонасига билдиришлари мумкин. Тел. 383-54-54.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 14 ноябрдаги 10-0820/14793-сонли ажримига асосан Собир Раҳимов туманидаги "Fartuna Universal Servis" МЧЖ ҳамда 10-0820/14792-сонли ажримига асосан "Tiz Super Color-Trade" МЧЖни умумий тартибда банкрот деб иш юритиш ва кузатув жараёни бошланди. Мазкур корхоналар бўйича муваққат бошқарувчи этиб Собир Раҳимов туман ДСИ ходими С.Саидхмедов тайинланган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2008 йил 1 декабрь соат 14.00 да Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, Собир Раҳимов туман ДСИ биноси, 116-хонада бўлади. Умумий тартибдаги банкротлик иши 2008 йил 12 декабрь соат 10.00 да Собир Раҳимов туман ДСИ биносининг 2-қаватдаги 214-хонасида бўлади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 20 ноябрдаги 10-0817/15049-сонли ажримига асосан Собир Раҳимов туманидаги "S.R.Mevasabzavottayorlovsvavo" ШКни умумий тартибда банкрот деб иш юритиш ва кузатув жараёни бошланган. Муваққат бошқарувчи этиб Собир Раҳимов туман ДСИ ходими С.Саидхмедов тайинланган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2008 йил 1 декабрь соат 14.00 да Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, туман ДСИ биносининг 116-хонасида бўлади. Умумий тартибдаги банкротлик иши 2008 йил 5 декабрь соат 12.00 да Тошкент шаҳар хўжалик суди биносининг 2-қаватдаги 3-суд залида бўлади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 14 октябрдаги 10-0805/12453-сонли ҳал қилув қарорига асосан Собир Раҳимов туманидаги "Stroy Resurs Servis" МЧЖ умумий тартибда банкрот деб топилиб, тугатиш жараёни бошланди. Тугатиш бошқарувчиси этиб Собир Раҳимов туман ДСИ ходими Б.Хайитбоев тайинланган. Мазкур корхонанинг думалоқ муҳр ва учбурчакли штамплари бекор қилинади. Ушбу корхонага алоқадор шахслар ва корхоналар 2 ой муддат давомида ўз аризалари билан мурожаатларини Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, Собир Раҳимов туман ДСИ биноси, 116-хонага билдиришлари мумкин.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 21 августдаги 10-0705/9891-сонли қарорига асосан Чилонзор туманидаги "Ўз-Винклер" КК (СТИР 201303573) Тошкент шаҳар ҳокимияти қошидаги тугатиш комиссияси томонидан молия-хўжалик фаолиятини юритмаётганлиги сабабли тугатилмоқда. Ушбу корхонага алоқадор шахс ва корхоналар 2 ой давомида дебитор ва кредитор даъволари билан Тошкент ш., Мовароуннаҳр кўчаси, 3-уй манзилига билдиришлари мумкин. Тел.: 132-00-97, 276-98-21. Чет эл инвестициялари иштирокидаги мазкур корхонанинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномалари ҳамда думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 19 ноябрдаги ҳал қилув қарорига асосан Миробод туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Рўйхатга олинган қарор рақами ва санаси	ХТУТ (ОКРО)	Қарор рақами	
"TOSHKENT TA'MIRLASH QURILISH" ОАЖ	201053165	18.08.97	439/13(66)	05952107	10-0809/14449
"PREMIUM AVIASERVIS" МЧЖ	205061920	17.05.04	000342-03	19596936	10-0809/14450
"BALAND QURILISH K.B.O.T.A.K.A.J.SIFAT" КБ	200625735	04.03.02	260.	03532967	10-0809/14451
"TON MAKRO" МЧЖ	205879470	17.11.05	001223-03	20471405	10-0809/14452
"ZOLOTSE SECHENIE" ХК	206784083	06.09.06	001944-03	21470477	10-0809/14453
"KOGON-TEMIR YO'L AVTO XIZMAT" ШК	204967537	25.10.04	732	19486809	10-0809/14454
"PERETS DESIGN" МЧЖ	206789109	14.09.06	001947-03	21470632	10-0809/14455
"SULIN-GOLD STAR" МЧЖ	206939577	26.11.07	002893-03	22216930	10-0809/14456
"SHONRUHBEK" ХФ	203318838	22.06.00	726	17776727	10-0809/14457
"ASR-EKSPRESS-MEDIA" МЧЖ	205527426	10.03.05	000830-03	19999822	10-0809/14458
"KREDO UNILUX" МЧЖ	205581163	01.04.05	000881-03	20151505	10-0809/14459
"GRACH-AND LORD" ХК	300503623	05.07.07	002639-03	22015580	10-0809/14460
"ENTRATA" МЧЖ	300680302	15.01.08	002980-03	22217875	10-0809/14461
"SARANG TRADE" МЧЖ	206713305	14.09.06	001822-03	21340711	10-0809/14462
"BATLEYS-SAVDO" ХК	206695993	30.06.06	001684-03	21309658	10-0809/14463
"KELAJAK OLMOS NUR" МЧЖ	300789932	04.04.08	003145-03	22322017	10-0809/14464
"POINT CR" ХК	300483547	14.06.07	002599-03	22015321	10-0809/14465
"TONG QUVONCHLARI" МЧЖ	205867218	23.05.06	001215-03	20442898	10-0809/14466
"DASKO" ОАЖ	203575306	20.03.02	297(244)	18028849	10-0809/14467
"LOKOMOTIVDAN FOYDALANISH BOSHQARMASI" УК	203644805	11.07.01	1373	18148111	10-0809/14468
"FENIKS-ETALI" ХК	206675639	26.06.06	001628-03	21311081	10-0809/14469
"ЧИДАМЧИЛИК (CHIDAMCHILIK) АПСО.СИФАТ" МКБ	201686540	22.03.96	159/12	16124508	10-0809/14470
"AZIMEX-TRADE" ХК	300268948	19.02.07	002362-03	21564787	10-0809/14471
"FAXRIDIN-NODIR TRADE" МЧЖ	206504841	06.09.06	001943-03	21158219	10-0809/14472

Мазкур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар 2 ой мобайнида Тошкент ш., Нукус кўчаси, 18-уй, Миробод тумани Ҳокимлиги Корхоналарни тугатиш доимий ишловчи махсус комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

JETRO

Japan External Trade Organization

Япония ускуналари

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ УЧУН*

+

"Японияда бизнес юритиш афзалликлари ва хусусиятлари" семинари

5 декабрда Самарқандда
("Гранд-Самарқанд" меҳмонхонаси)
10:30 да бошланади
11 декабрда Фарғонада
("Осиё-Фарғона" меҳмонхонаси)
10:30 да бошланади

Ташкилотчи: ЖЕТРО ЎЗР ССП билан ҳамкорликда
Тошкентдаги телефон 120-5591
www.jetro.go.jp/uzbekistan

*Ахборот ва каталоглар

Ташкилотлар ва тадбиркорлар диққатига!
"BVIKO" илмий-тадқиқот
ва лойиҳалаш корхонаси

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида
қуйидаги хизматларни кўрсатади:

- Иқтисодийнинг барча тармоқларида исталган даражадаги саноат объектларига лойиҳалашнинг ҳамма босқичлари лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш
- Лойиҳалаштирилаётган объектларнинг тақдим этиладиган материалларини тайёрлаш
- Технологик чизмалар ишлаб чиқиш
- Ишлаб чиқарувчилар бозорининг таҳлили ва ускуналар танлаш
- Кончилик тармоғи ва ёндош ишлаб чиқаришларда илмий тадқиқотлар ўтказиш

Алоқа боғлаш учун маълумот:

100011, Тошкент ш., М-14, 27-уй, 520-хона
Тел.: (+998-97) 334-8454, 488-7511,
(+998-90) 322-6955 Факс (+998-71) 244-3827,
e-mail: bviko2003@rambler.ru



"1C:Предприятие 8" платформасида корхоналарни комплекс автоматлаштириш

- Ўзбекистон учун намунавий конфигурациялар:
 - 1C:Бухгалтерия 8
 - 1C:Иш ҳақи ва Ходимларни бошқариш 8
 - 1C:Савдони бошқариш 8
 - 1C:Ишлаб чиқариш корхонасини бошқариш 8
- Татбиқ этувчи лойиҳаларни малакали бошқариш
- Маслаҳатлар ва фойдаланувчиларни ўқитиш
- Якка тартибда ёндашув
- Сертификатланган мутахассислар

Тошкент ш., Навоий кўч., 18, 406-408-хона
(Еш томошабинлар театри рўпарасида)
info@filosoftika.uz www.filosoftika.uz

Куйидаги телефонлар орқали бепул тақдимот маросимига буюртма беринг:
(+998 71) 120-14-00
241-72-00, 241-73-00

1C:ПРЕДПРИЯТИЕ 8



Базавий версиялар
Стандарт ва малака
версиялари
Тармоқ версиялар
SQL учун версиялар

- Корхоналар фаолиятини автоматлаштириш
- 1C фирмаси дастурларини етказиб бериш
- Намунали конфигурацияларни жорий этиш
- Ихтисослаштирилган конфигурацияларни ишлаб чиқиш
- Ўрнатиш, ўқитиш, жойга бориш

- Бухгалтерия
- Иш ҳақи ва кадрлар
- Савдо ва омор
- Молиявий режалаштириш
- Солиқлар ва хисоботлар
- Ишлаб чиқариш ва хизматлар

1C:ФРАНЧАЙЗИНГ «UniSOFT»

Амалий дастурий таъминот бўйича мажмуавий хизмат кўрсатиш

254-18-70, 273-95-95, 273-30-18, 186-30-18
Манзил: Тошкент ш., Катотрол кўч., 60, 705-хона

• РЎЙХАТЛАР

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 14 ноябрдаги 10-0809/14803-сонли ажримига асосан Яккасарой туманидаги "SHARQ KAMOL QURILISH" МЧЖни (юридик манзили: Усмон Носир кўчаси, 12-уй) банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланди. Мазкур корхона бўйича муваққат бошқарувчи этиб Яккасарой туман ДСИ ходими А.Жўраев тайинланган. Кредиторларнинг 1-йигилиши 2008 йил 2 декабрь соат 11.00 да Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6а-уй, Яккасарой туман ДСИ биноси, 307-хонада ўтказилади ва кузатув ишлари ушбу манзилда давом этади. (тел. 250-70-87.)

Банкротлик ишини суд мажлисида кўриш Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 14 ноябрдаги 10-0809/14803-сонли иши бўйича 2008 йил 3 декабрь соат 17.00 да Яккасарой туман ДСИ биносида (Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6а-уй) бўлиб ўтадиган сайёр суд тартибда кўрилади.

Бухгалтерлар ва аудиторларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш ўқув-услубий маркази

Хизматлар лицензияланган
Курслар УзР МВ тасдиқлаган дастурлар бўйича ўтилади
(УзР МВнинг 59-сон лицензияси)

АУДИТОРЛАР ТАЙЁРЛАШ
- 200 соат

АУДИТОРЛАР МАЛАКАСINI ОШИРИШ
- 60 соат

Халқаро сертификатлаш дастури (САР) доирасидаги курслар

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ 1

БОШҚАРУВ ҲИСОБИ 1

СОЛИҚЛАР ВА ҲУҚУҚ АУДИТ "БОШЛОВЧИЛАР УЧУН БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ" курси

ЎУМдаги барча ўқитувчилар САР ва УзР МВ сертификатлари соҳибларидирлар

Тошкент ш., Ўзбекистон кўч., 49, Тошкент давлат иқтисодий университетининг 10-қавати
232-09-36, 733-41-51

Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!

Республика Кўчмас мулк биржаси Хоразм вилояти филиали

нархлари ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2008 йил 23, 25, 30 декабрь кунлари соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й.Бобононов кўчаси, 23-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига куйидаги мулкларнинг бошланғич баҳолари 10 фоизга арзонлаштирилган ҳолда қайта кўйилмоқда:

1. Хоразм вилоят хўжалик судининг 2008 йил 15 майдаги 22-08-02-2719-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф қилинган, Хазорасп тумани, Бўстон қишлоғида жойлашган, «Қовунчи обод» муқобил машина-трактор паркига қарашли бўлган:

1. Курилиш ости ер майдони – 20,9 кв. метрни ташкил қилган автовес ва биноси.

Бошланғич баҳоси – 4 659 554 сўм.

2. ВТ-150 русумли 2005 йил ишлаб чиқарилган завод N151412 бўлган трактор.

Бошланғич баҳоси – 27 444 345 сўм.

Шунингдек, 2008 йил 30 декабрь кунлари соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й.Бобононов кўчаси, 23-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига куйидаги мулклар кўйилмоқда:

1. Хоразм вилоят хўжалик судининг 24.06.2008 йилдаги №22-08-02-3409-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф қилинган, Хазорасп тумани, Пичоқчи қишлоғида жойлашган, «Дўстлик пичоқчи» муқобил машина-трактор паркига қарашли бўлган куйидаги мулклар, кредиторлар йиғилишининг 21.11.2008 йил 7-сонли баённомаси қарорига асосан, бошланғич баҳолари 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда кўйилади. Булар:

1. 1982 йилда қурилган, қурилиш ости ер майдони – 374 кв. метрни ташкил қилган омборхона биноси.

Бошланғич баҳоси – 23 389 290 сўм.

2. 1982 йилда қурилган, қурилиш ости ер майдони – 160 кв. метрни ташкил қилган қозонхона биноси.

Бошланғич баҳоси – 12 969 738 сўм.

3. 1982 йилда қурилган, қурилиш ости ер майдони – 49,3 кв. метрни ташкил қилган темирчилик устахонаси биноси.

Бошланғич баҳоси – 3 065 487 сўм.

4. Т-4 русумли 1987 йилда ишлаб чиқарилган двигатель №1720 трактор. **Бошланғич баҳоси – 6 173 846 сўм.**

5. Т-4 русумли 1991 йил иш. чиқ. завод №299240, двигатель №137393 трактор. **Бошланғич баҳоси – 8 418 881 сўм.**

6. Т-4 русумли 1990 йилда ишлаб чиқарилган двигатель №883 бўлган трактор. **Бошланғич баҳоси – 7 857 623 сўм.**

